

Ijtimoiy-huquqiy jurnal

HUQUQ va BURCH

ISSN 2010-5436

№9/2020

Янги
Фуқаролик
кодексида

ворислик ҳуқуқига
оид янгиликлар

Пойтахтларни
белгилаш ва
күчириш
тенденцияси



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги,
Бош прокуратураси,
Конституциявий суди,
Олий суди

Таҳрир кенгаши:

Рўсланбек Давлетов
Нигматилла Йўлдошев
Бахтиёр Мирбобеов
Козимджан Камилов

Бош муҳаррир:
Аслиддин Алмадронов**Таҳрир ҳайяти:**

Акбар Тошқулов
Бахтиёр Исақов
Светлана Ортиқова
Ҳаёт Шамсұтдинов
Шерзод Рабиев
Нодирбек Салаев

Бош муҳаррир ўринбосари:
Шавкат Ёғдоров**Дизайнер:**

Азамат Жуманиёзов

Навбатчи муҳаррир:

Ҳасан Нишонов

Муқова учун лойиҳа – «Истиқолол нашидаси»

Журнал саҳифаларида Аҳмад Тўра фотоларидан
фойдаланилган.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журнали
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидага 2012
йил 13 июнда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатга
олинган. Журнал 2006 йил март ойидан чиқа
бошлаган. Ойда бир марта чиқади.

Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нарҳда.

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан
фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-
ҳуқуқий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Таҳририят таддим этилган мақолаларни тақриз
қилиш ва қайтариши мажбуриятини олмаган.

PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат
мақолалари ҳисобланади.

Таҳририят манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-үй.

Телефонлар:

Ижодий бўлум: (71)277-04-23, (71) 277-04-51.

Обуна бўлуми: (71) 277-04-26; Бухгалтерия: (71) 277-04-72

web-site: www.huquqburch.uz

e-mail: info@huquqburch.uz

f facebook.com/huquqburch.uz

t telegram.me/huquqburch.uz

Журнал 09.10.2020 йилда босмахонага топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.

Шартли 8 б.т. Буюртма №2648. Адади: 3120.

«Колорпак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-үй.



ННТ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҮЗАГИ

24



ЯНГИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИДА ворислик ҳуқуқига оид янгиликлар

4

ҲАДЯ МУНО- САБАТЛАРИНИ ҳуқуқий тартибга солишнинг тариҳий ривожланиши

8

ПОЙГАХТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА КЎЧИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ үзига хос хусусиятлар

16

СУДЛАР ФЛОЛИЯТИДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК тушунча – мазмун – нисбат

30

Суд орқалими ёки судсиз?

36





Марказий Осиё мамлакатлари муайян муддат Аҳамонийлар таъсирида бўлгани туфайли уларнинг айрим одат ҳуқуқлари маҳаллий халқ турмуш тарзига ҳам сингиб кетганини кўриш мумкин. Масалан, Форс давлати асосчиси Кир II Бобил устидан қозонган ғалабасидан кейин, яъни милоддан аввалги 539 йилда тарихдаги инсон ҳуқуқига алоқадор илк ҳужжат «Умумжаҳон эркинлиги ва кўчирилган халқларнинг ўз ерларига қайтиш имкониятлари тўғрисидаги қонун»ни ишлаб чиқкан. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат цилиндрга ёзилган бўлиб, «Кир II цилинтри» ва «Инсон ҳуқуқлари декларацияси» деб ном қозонган. 1879 йилда археологлар томонидан Бобилда топилган ушбу ноёб битикдаги қоидалар БМТнинг барча расмий тилларига таржима қилинган.

ИЛДИЗИ КЎРИНМАС ИЛЛАТ


42

МИГРАЦИЯ
ХУҚУКИ
ТАРИХИ
қадимги Шарқ мамлакатлари мисолида

48

ОЛИЙ
ТАЪЛИМДА
КРЕДИТ-
МОДУЛ ТИЗИМИ
қандай
афзалликларга
эга?

54




ВИРТУАЛ
ХУРУЖ:
суюцид,
эгри қасд ва
бошқалар...


56

ТАЛАБАЛАР
УЧУН
ФОЙДАЛИ
МАСЛАХАТЛАР
энг кўп
берилаётган
12 саволга
12 жавоб

60



1 СЕНТЯБЬ – МУСТАКИЛЛИК КУНИ



Абдулла КУЧТОҚ

Оштакиммам озлағымдан сөздиләф,
Бу ошық деб құрлап мәндан бөздиләф,
Қандаі севса, севаверсін ұзяләф,
Ватанимни ошиқ бүтіб севаман.

Осмонинини тоғы бүніа шифрин деб,
Молағаннини мақтаң қайси биғин деб,
Семур қүшни құтлауғын пірім деб,
Ватанимни биғ қүш бүтіб севаман.

Булут бүтіб үммөнләрдан сүб олсан,
Төгілардан ғыборлағын қуболсан,
Хар тәжінни яғоюнни ювалсан,
Ватанимни емдең бүтіб севаман.

Ингіл жоссан Нобқадан то Шошайға,
Әшім юсаң нұғдам ҳар тошаға,
Шопт бүтіб яштімасман ботқада —
Ватанимни күз ёш бүтіб севаман.

Ортептан құйғатимни һаналаб,
Виржудымда жон қолса ҳам тангадақ,
«Халқым» деңең сүзни айтсан амаллаб,
Ватанимни бемор бүтіб севаман.



Янги Фуқаролик кодексида ворислик ҳуқуқига оид янгиликлар



Оила ва мерос
ишчи гурух
таклифлари
асосида

Фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш учун замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асос яратиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги 5464-фармойиши билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди ҳамда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси асосан Адлия вазирлиги хузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти томонидан тайёрланди.

Оила ва мерос ҳуқуқи бўйича тузилган ишчи гурух ҳам ўз ишини тасдиқланган режа асосида олиб борди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги мерос ҳуқуқи бўйича таҳтил қилиниб, эр-хотиннинг биргаликдаги ваясиятномаси ва мерос шартномасига оид қоидаларни киритиши, мерос қолдирувчи ва меросхўр кредиторларининг ҳимоясини кучайтириш, меросни қабул олиш муддатларини белгилаш йўли билан мерос ҳуқуқини такомиллаштиришни назарда тутувчи нормалар аниқлаб олинди. Фуқаролик қонунчилигининг мерос ҳуқуқига оид нормаларни хатловдан ўтказилиб, натижалари умумлаштирилди. Оила ва мерос ҳуқуқи бўйича б

Ворислик тўғрисидаги умумий қоидаларда ворислик тушунчаси белгиланди ва таъриф берилди.

Жўмладан, вафот этган шахснинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бошқа шахсларга (меросхўрларга) ўтиши юридик факт сифатида қаралиб, императив норма мақомини белгилайди. Бундай амалиёт Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1110-моддасида, Қозогистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1038-моддасида, шунингдек, Украина Фуқаролик кодексининг 1216-моддасида ўз аксини топган.

Биринчидан



Адлия вазири раҳбарлигидаги идоралараро комиссия таркибида давлат идоралари вакиллари билан бир қаторда мамлакатимизнинг таникли олимлари, амалиётчилар ҳам киритилди.

Комиссия томонидан:

- Фуқаролик кодексининг янги таҳририни тайёрлашда иш ҳажми катта бўлишини инобатга олиб, энг аввало, фуқаролик қонунчилигини соҳаларга бўлган ҳолда 8 та йўналишда ишчи гурухлар ташкил этилди.
- Ишчи гурухларнинг намунавий режалари ҳамда фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги илфор хорижий тажрибани ўрганиш режаси тасдиқланди.

та кодекс, 23 та қонун, Президентнинг 10 та қарори ва фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 10 та идоравий ҳужжат ва Олий суд пленумининг 7 та қарори ўрганиб чиқилди.

Ворислик ҳуқуқи бўйича Германия, Франция, Латвия, Польша, Қозогистон, Россия каби хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганиб чиқилиб, киёсий жадвал тайёрланди. Амалга оширилган ишлар ҳамда қонунчилтика бериладиган таклифлар ишчи гурух йигилишларида кўриб чиқилди. З.Мусаева, М.Каримова, Д.Анварова ҳамда УШорахметоваларнинг фуқаролик қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан берган таклифлари инобатта олинди.

Оила ва мерос ҳуқуқи ишчи гурухи томонидан ўрганишлар натижасида Фуқаролик кодекси лойиҳасига бир қанча янги ҳуқуқ институтлари киритилди.



Ворисликни қабул қилиш асослари аниқлаштирилди. Латвиянинг ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасидан фойдаланган ҳолда ворислик васият ва қонун бўйича ёхуд ҳар иккала асосга кўра амалга оширилиши белгиланди.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигига мувофиқ ворислик васият ёки қонун бўйича амалга оширилган.

Иккинчидан

Учинчидан

Мерос таркибидаги ҳуқук ва мажбуриятлар бойитилмоқда. Хусусан, мерос таркибига мерос қолдирувчининг вафотига қадар расмийлаштирилмаган мулкий ҳуқуқлари, шу жумладан, уларни рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳуқуқлар ҳам киритилмоқда.

Амалиётда мерос қолдирувчи мол-мulk сотиб олган (автотранспорт, турар жой ва бошқалар), бироқ мол-мulkни расмийлаштириш жараёни унинг ўлими сабаб амалга оширилмаган ёки якунланмаган ҳолатлар кўп учрайди. Мазкур ҳолатлар меросхўрларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Меросхўр бўлиши мумкин бўлган юридик шахслар тушунчаси аниқлаштирилди. Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ, турлича шарҳланадиган ёки амалиётда қўлланиши масаласида тушунишишларни талаб қиласидан нормаларни чиқариб ташлаш ёки такомиллаштириш белгиланган.

Беларус фуқаролик қонунчилиги тажрибасидан фойдаланган ҳолда янги таҳтиридаги Фуқаролик кодексига юридик шахсларнинг меросхўр сифатидаги ҳуқуқларини аниқлаштирувчи норма киритилмоқда. Жумладан, мерос очилгунга қадар тузилиб бўлган ва мерос очилган вақтда фаолият юритаётган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкинлиги белгиланди. Ўхшаш қоида Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1044-моддасида ҳам мавжуд.

Тўртинчидан

Меросхўр нолойиқ деб топилган ҳолларда мол-мulkни қайтариш мажбурияти аниқлаштирилмоқда. Хусусан, ворисликдан четлатилган шахс, яъни нолойиқ меросхўр меросдан қабул қилиб олган барча мол-мulkни қайтариб бериши белгиланди.

Мазкур норма амалиётта жорий этилганда суд қарори билан нолойиқ меросхўр деб топилган шахс мерос қилиб олган мулкка зарар етказган ёки қасдан йўқ қилган ҳолатларда мулкнинг ҳақиқий қийматини тўлаши лозим бўлади. Хорижий давлатлар, масалан, Франция, Германия ва Польша фуқаролик қонунчилигига ҳам нолойиқ меросхўрлар асоссиз олинган барча мол-мulkни қайтариб беришига мажбурилиги белгиланган. Хусусан, Франция Фуқаролик кодексининг 729-моддасига мувофиқ, ворисликдан четлатилган шахс мерос қилиб олинган мулк ва мулк орқали олинган ҳар қандай даромадни ҳам қайтариб бериши белгиланган.

Бешинчидан

Мерос олишда эрнинг (хотиннинг) ҳуқуқига аниқлик киритилди. Жумладан, Польша фуқаролик қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, вафот этмаган эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи мерос қолдирувчи билан никоҳда бўлиб, биргаликда ортирилган ва уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мulkнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қиласлиги тўғрисидаги норма билан бойитилди.

Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда уларнинг биргаликда ортирилган мол-мulkдаги вафот этган эрнинг (хотиннинг) улуши мерос таркибига кирмаслиги, ушбу мулк тўлиқ вафот этмаган эрнинг (хотиннинг) мулки экани тўғрисидаги норма киритилди.

Мазкур янги норма ҳуқуқни қўллаш амалиётида ота-онасининг мулкий улушларини ажратиш бўйича меросхўрлар ўртасидаги узоқ муддатли ҳуқуқий низоларни тартибга солишга ёрдам беради.

Қонун бўйича мерос олинганида меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш тўғрисидаги норма янги қоидалар билан бойитилди. Жумладан, васиятномани ижро этувчи ёки мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрлар, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиликлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мақсадида меросни муҳофаза қилиш ва бошқариш бўйича зарур чораларни кўриши белгиланди.

Россия фуқаролик қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, мерос таркибини аниқлаш ва уни муҳофаза қилиши мақсадида банклар, кредит ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар нотариуснинг сўровига кўра мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мulk ҳақидаги маълумотларни бериши мажбурийлиги ҳамда нотариус ушбу маълумотларни фақат васиятномани ижро этувчи ва меросхўрларагина маълум қилиши мумкинлиги белгиланди.

Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ мерос ҳуқуқини, хусусан, мерос қолдирувчи ва меросхўр кредиторларининг ҳимоясини кучайтириш йўли би-

лан такомиллаштириш белгиланган. Мазкур қоида Латвия фуқаролик қонунчилигига мавжуд бўлиб, мерос мол-мulkни қўриқлаш билан баглиқ чораларни кўриш мажбурияти юклатилган шахслар доирасини белгилайди.

Шунга кўра, мерос қолдирувчи ва меросхўр кредиторларининг манфаатларини таъминлаш мақсадида нотариусга мерос таркибини аниқлаш ҳуқуқи берилмоқда. Мазкур қоида меросхўрларга тегишли ташкилотлар, шу жумладан, банк ва бошқа кредит ташкилотларида сақланётган мерос таркибини (пул, қимматли қоғозлар ва бошқаларни) аниқлашга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига киритилган ворислик тўғрисидаги умумий қоидаларга тааллуқли янги ҳуқуқий институт ва нормалар фуқаролик-ҳуқуқий мўносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ, ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади.

Дилдора АНВАРОВА,

Аддия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими,
Оила ва мерос ишчи гурӯҳи атзоси



Ҳадя муносабатларини хуқуқий тартибга солишнинг тариҳий ривожланиши

Қадимда хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан ашёларнинг айланиши ва унинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишига қаратилган шартномалар пайдо бўлди ва кенг тарқала бошлади. Бундай турдаги шартнома «пул пайдо бўлмасдан олдин амалда бўлиб, бевосита ашёни ашёга алмаштиришни, яъни айирбошлишни (permutatio) назарда тутган. Бу ўз навбатида натурал хўжалик юритишдан айирбошлишга ўтган жамиятнинг иқтисодий шартларига мос бўлган»¹.

¹ Римское частное право. Учебник / Под ред. И.Б. Новицкого и И.С. Перетерского. М.: Новый юрист, 1998. С. 396.

Ҳадяҳам меҳр-муруватт кўрсатиш, қариндошлиқ алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда уларни моддий жиҳатдан кўллаб-куватлаш, ночорларга ёрдам кўрсатиш рамзи сифатида ўзининг узоқ тарихий ўтмишига эга.

Ҳадя фуқаролик ҳукуқининг қадимий институтларидан бири ҳисобланниб, қадимги Рим давлатининг республика давридаёк (милоддан аввалиг V-I асрлар) мулк ҳукуқи вужудга келишининг асосларидан бири сифатида тан олинган. Рим ҳукуқида ҳадя – «*pactum donationis*», яъни, ҳадя тўғрисидаги норасмий келишув ҳисобланган. Рим ҳукуқида шартномаларнинг контракт ва пактларга таснифланишига мос равища ҳадя тўғрисидаги норасмий келишув «*Pacta Legitima*» тоифасидан бўлиб, император қонунчилигига даъво қилиш орқали ҳимояга эга пактлар бўлган. Рим ҳукуқига кўра, бир тараф иккинчи тарафа ашёни (ёки ўз мулкининг бирор қисмини, масалан, талаб қилиш ҳукуқини) ўз саҳиyllигини намоён қилиш мақсадида (*animus donandi*) бериши ҳадя деб тан олинган. Ҳадя ашёни мулк қилиб бериш, муайян пул суммасини тўлаш, сервитут ўрнатиш ва шу кабилардан иборат бўлган. Ҳадянинг алоҳида кўриниши ваъда қилиш бўлган, яъни, ниманидир бериш, қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ва бошқаларни ваъда бериш². Агарда ҳадяни ваъда қилиш стипуляция шаклида амалга оширилган бўлса, юридик кучга эга бўлган. И.А. Покровский ўзининг «Рим ҳукуқи тарихи» асарида куйидагиларни ёзди: «Императорлик ҳукуқида кейинчалик келишувларнинг айримлари бевосита қонунга кўра даъво кучига эга бўлди. Сеп бериш (*pactum dotis*) да шундай тартиб ўрнатилган, энг асосийси эса ҳадяни ваъда қилиш – «*donatio*» ҳисобланган. *Donatio* турли шаклларда амалга оширилиши мумкин бўлган: бевосита ашёни бериш йўли билан, қарздан кечиш йўли билан, ҳадяни ваъда қилиш (*donatio*) нафақат республика даврида, балки классик юристлар ҳукуқида ҳам агарда *stipulatio* (писанда, қўшимча шарт) шаклида амалга оширилган бўлса ҳақиқий

ҳисобланган. Оддий *pactum donationis* юридик кучга эга бўлмаган»³.

Рим ҳукуқида *stipulatio* деганда муайян тарзда оғзаки ифодалаш назарда тутилганки, унга кўра, савол берилётган шахс ундан сўралган нарсани қилиши ёки беришини айтиб жавоб беради. Бироқ Рим ҳукуқи фанида *stipulatio* келиб чиқиши тўғрисида ягона фикр йўқ. Классик Рим ҳукуқида ҳадяни ваъда қилиш фақаттина стипуляция шаклида амалга оширилган бўлса юридик кучга эга бўлган, бошқа барча келишувлар бўйича эса эч қандай мажбурият вужудга келмаган.

Бунга эрамиздан аввалиг 204 йилдаги Цинций қонунларида (*Lex Cincia*) мажбуриятнинг стипуляция шаклига қўшимча тарзда ҳадянинг миқдорини қайта кўриб чиқиши орқали ҳадя шартномасининг қўлланиш доирасини қонуний чеклаш мисол бўла олади. Цинций қонунларига кўра, белгиланган суммадан юқори бўлган ҳадя тақиқланган, фақаттина ҳадя қилиувчининг яқин қариндошларига тааллуқли ҳадя актларигина истисно тариқасида қабул қилинган.


Мутлақ монархия даврида *lex Cincia* муомаладан чиқарилди ва унинг ўрнига ҳадя актлари учун суд томонидан рўйхатта олиш (*insinuatio* – лотинчада «ишора» матьносини англатади) зарурлиги ўрнатилди. Унга кўра, ҳар қандай ҳадя суд олдида эълон қилиниши ҳамда реестрга киритилиши шарт бўлган. Бу илк маротаба император Констанций Хлор томонидан киритилган ва кейинчалик Константин томонидан тасдиқланган. Юстиниан 500 «*solidi*» (олтин)дан ортиқ

² Новицкий И.Б. Римское частное право. Учебник. -М., 1972. С.250.

³ Покровский И. А. История римского права. -СПб., 1998. С. 395.



суммадаги ҳадяни суд томонидан рўйхатга олиш (*insinuatio*)ни белгилади, бундан паст суммадаги ҳадялар эса бундай расмийлаштиришларсиз ҳам ҳақиқий ҳисобланган. Бунинг натижасида эса оддий *rectum donationis*, яъни ҳадя тўғрисидаги норасмий келишувлар ҳам даъво ҳукуқига эга бўлди. Шундай қилиб Рим ҳукуқининг императорлик даврида ҳадя шартномаси, шунингдек, ҳадяни ваъда қилиш қандай шаклда амалга оширилишидан қатъи назар одатий шартнома сифатида тан олинган ҳамда қонуний ҳимояяга эга бўлган.




Рим мерос ҳукуки

Рим ҳукуқи классик (республика) даврда ҳам, императорлик даврида ҳам ашёларни текинга беришни назарда тутувчи ҳадя шартномасининг предметини чекламаган, балки унинг таркибига ҳадяни ваъда қилишини (консенсуал ҳадя шартномасининг белгисини), қарздан воз кечишини ҳамда ҳукуқни беришни ҳам киритган. Рим ҳукуқида ҳадя шартномасининг текинлик хусусияти тўла маънода ҳисобга олинган бўлиб, бу ҳадя қилувчининг жавобгарлиги ва ҳадяни бекор қилишини тартибига солувчи маҳсус қоидаларнинг ўрнатилишини белгилаб берган.

* * *

Рим ҳукуқшуносларининг ўзига хос конструкцияларидан бири – *mortis causa donation*, яъни ўлимдан кейинги ҳадяга тўхталиб ўтамиш. Рим ҳукуқшунослари бу битим ўзида ўлим ҳолати билан боғлиқ битим белгиларини ифодаласа ҳам уни ҳадя деб номлашган. Бундай шартномалар асосан ҳадя қилувчи ўз мулкни ҳаётлигига ҳадя олувчига эмас, ўзида сақлаб туришини афзал билганда, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам мулкни меросхўрларга эмас, балки ҳадя олувчига қолдиришини хоҳлаганида тузилган. Бу билан ҳадя меросни бекор қилиш билан тенглаштирилиб,

ушбу шартноманинг модификацияси классик «*donatio*» тушунчасидан борган сари узоқлашиб борди. Ушбу шартнома *inter vivos* (лотинчада «тириклар орасида» маъносини англатади) битимининг кўпгина белгиларини (масалан, икки тарафлама битим хусусияти, яъни ҳадяни бекор қилиш учун ҳадя олувчининг розилиги зарурлиги ва бошқаларни) ўзида ифодалашига қарамасдан, император Юстиниан ушбу шартнома ўлим ҳолати билан боғлиқ тарзда тузилади деган фикрга келган. Кейинчалик Рим ҳукуқида ҳадя олувчи ва унинг оила аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иккита муҳим қоида мустаҳкамланди. Биринчидан, эр-хотинлар ўтрасидаги ҳадя тўғридан-тўғри тўлиқ ва ҳеч қандай истисносиз тақиқланди. Эр (хотин) хотини (эри) дан ҳадя олса, бегона мулкка эгалик қилаётган ва буни билган бўлади. Иккинчидан, ҳадя қилувчига ҳадяни қайтаришни талаб қилиш ҳукуқи бेरилди. Ҳадяни қайтаришига ҳадя олувчи томонидан ношукурчилик қилиниши (Юстиниан қонунларига кўра, ҳадя қилувчини қаттиқ хафа қилиши, унинг ҳаётига хавф тугдириш ва бошқалар) ёки яшаш шароитларининг ўзгариши (масалан, ҳадя амалга оширилгандан кейин тугилган фарзандлар ва уларни боқишиш) асос бўлиб хизмат қилган.





Ўзбекистон ҳудудида VII асрлардан то XX аср бошларига қадар фуқаролик-хукуқий муносабатлар мусулмон хукуқи мөъёrlари асосида тартибга солинган. Албатта, бунда мусулмон хукуқининг суннийлик оқими, ҳанафия мазҳаби асосий ўрин эгаллаган. Мусулмон хукуқи амал қилган даврларда хукукнинг асосий манбаи Куръони карим ҳисобланган. Куръони каримда мол-мulk, мерос, васийлик ва ҳомийлик, ҳадя, хайр-эхсон, мажбурият муносабатларида аҳдга содиқлик ва шу каби масалаларни тартибиға солувчи кўрсатмалар мавжуд. Куръони каримда тартибиға солингмаган фуқаролик-хукуқий муносабатлар сунна, ижмо, қиёс орқали тартибиға солинган. Сунна - Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзлари, кўрсатмалари, хатти-ҳаракатлариdir. Улар ҳадислар ҳам дейилади. Ҳадислар Куръондан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланади. Ижмо - Куръон ва ҳадисда аниқ кўрсатма берилмаган хукуқий масалаларни ҳал этишда фақихлар ва мужтаҳидларнинг кўрсатмаларида асосланиб хукм чиқариш, яъни фатво беришидир. Қиёс - исломда шариат манбаларидан бири бўлиб, Куръон, сунна, ижмода бирор хукуқий масалага аниқ жавоб топилмаганида, уни шунга ўхшаш масалага таққослаш йўли билан хукм чиқаришдир⁴.

Ҳадя ва хайр-эхсон муносабатлари мусулмон хукуқида батағсил хукуқий тартибиға солинган бўлиб, у чукур маънавий-руҳий, ахлоқий ва тарбиявий аҳамият касб этган. Ҳусусан, мусулмон хукуқида ҳадя «ҳиба» дейилиб, «фиқ қошинда ўзининг мулкинда бўлган нарсани ёт кишига баробарина нарса олмасдан мулк қилиб бермокдир»⁵ деб таърифланади.

⁴ И. Б. Зокиров. Фуқаролик хукуқи. I қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. -Т.: ТДЮИ, 2009. 12-бет.

⁵ Мұхтаров. (Шарипт қонунларига қисқача шарх). -Т.: Чўлпон наширияти. 1994. -186-187-бет.

⁶ Шайх Алоуддин Мансур. Куръони карим ўзбекча изоҳи тархимаси. -Т.: Куръони каримини ўрганиш илмий маркази, 2004. 77-бет.

⁷ Максудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмав ул-максад: 2-китоб / Масъул мұхәррір: Шайх Абдулазиз Мансур. -Т.: «Sharq», 2015. 192-бет.

Ислом дунёсидаги буюк фикъшунослар Мұхаммад бин Аҳмад бин Абу Сахлас-Сараҳсийнинг «ал-Мабоут», Юсуф ал-Хусайн ас-Самарқандийнинг «Милтакат насири», Шайхулислом Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» ҳамда Мақсудхўжа ибн Мансурхўжанинг «Мажмав ул-максад» асарларида ҳадя муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган.


Мусулмон хукуқида ҳадя ва хайр-эхсон муносабатларининг хукуқий асослари энг аввали Куръони каримда назарда тутилган бўлиб, «Бақара» сурасининг 267-оятида «Эй, мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эхсон қилингиз! Эхсон қилиш учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган - паст-нолпокларини танламангиз! Ва билингизки, албатта Оллоҳ беҳожат ва ҳамду сано ёгаси бўлган зотдир»⁶ дега таъкидланади.

Ислом динида ҳадя ва хайр-эхсон қариндошлар ўртасидаги муносабатларни ҳамда инсонлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамловчи восита сифатида эътироф этилади. Ҳибадан, яъни инъом ва эхсондан мақсад дунёда дўстлик ва ошноликдир. Ҳадиси шарифда «Тамаду ва талибу», яъни «Бир-бирингизга инъом ва эхсон қилингизлар, бир-бирингизга дўст бўласизлар» дейилган⁷.

Мусулмон хукуқида ҳадя шартномасини тузиша алоҳида эътибор қаратилади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳадя шартномасини тузиш ташаббуси ҳадя қилувчида бўлади. Масалан, «Сенга яхшиладим ва бердим», - демок ва буларга ўшаган сўзлар билан ҳиба дуруст бўлади. Бас, агар

бир киши бир одамга «Бу сенга» – деса, ҳиба қилганга икror қилибди. Чунончи, «Мұхит» китобида келтирилған. «Заҳирий» китобида шуки, агар бир киши «Бу чүріни менға бағишишагин» деса, чүрінинг хожаси «Сенга фидо бўлсин» деса ёки «Сендан аялмайди» деса, ҳиба бўлмайди⁸. Кўриниб турибдики, бирор нарсани ўзига беришни сўраса ва унга шу нарса текинга берилса ҳам мусулмон ҳукуқида ҳадя ҳисобланмайди.

Ҳадя шартнома ҳисобланар экан, мусулмон ҳукуқида ҳам ҳадя олувчининг розилиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳадя олувчи ҳадяни қабул қилдим деб тасдиқлаши ёки ҳадяни қабул қилганини имо-ишора билан ҳам тасдиқлаши мумкин бўлган. Хусусан, ҳибани оладиган одам ҳиба мажлисида ҳиба қилинган нарсани қабул қилил



«Ҳидоя» ёдгорлиги

олмоғи билан ҳиба тўлиқ бўлади, яъни ҳиба олган кишининг мулкига киради ва агар ҳиба қиласидаган одамнинг сарих ва равшан жавоби бўлмаса ҳам.

Таъқидлаш жоизки, мусулмон ҳукуқида ҳадянинг предмети ҳам алоҳида тартибга солинган. Масалан, шериклик бўлинмаган ва тақсим қилинмаган ер ва ҳовлини, катта уйни икки киши ҳиба қилимоги дуруст эмас. Аммо тақсим қилимок мумкин бўлмаган нарсаларда, масалан, кичик уй, ҳаммом ва тегирмонга ўҳшаган нарсаларда ҳиба қилимок дуруст бўлади. Бас, ҳиба қилинган нарса тақсим қилиниб, ундан кейин бағишишаган кишига топширилса, у ҳиба дурустидир⁹. Ҳали қўлга киритилмаган ёки асосий ашёдан ажратилмаган мол-мulkни ҳадя қилиш ҳақиқий ҳисобланмаган. Масалан, кўйининг олинмай турган юнгини, дараҳтнинг устидаги мевани, ердаги ўрилмаган ва йигилмаган экинни ва ерда кўкариб турган дараҳтни ҳиба қилимок, яъни беъзас инъом ва эҳсон қилимок. Булар тақсим қилинмаган шериклик мол каби бўлган. Ҳиба дуруст бўлмаслигининг сабаби улар асосий ашёдан ажралмай бир бутун бўлиб, тақсим қилинмаган шериклик молга ўшшаб қабзига олмоқни ман қиласиди. Хусусан, «Ҳидоя»да ҳам «агар молнинг сутини соғиб олса, экинни ўриб олса, дараҳтни кесиб олса, мевани узиб олса ва ҳиба қилган одамига топширса, дуруст бўлади» деб таъқидланади.

Шунингдек, мусулмон ҳукуқида ҳадяни бекор қилиш мумкин бўлмаган еттига ҳолат санаб ўтилган бўлиб, улар қуидагилар:

Биринчи, ҳиба қилинган нарсага муттасил нарсанинг кўпаймоги, масалан, ҳиба қилинган нарсага дараҳт ўтқазмоги ва иморат қилимоги. У ҳиба қилинган нарсанинг семирмоги ва чиройли бўлмогига ўхшаш.

Иккинчи, ҳиба қилган одамнинг ё ҳиба олган одамнинг бирининг ўлмоги.

Учинчи, ҳиба учун баробарига нарса бермоғи ва агар у берилган нарса ажнабий кишидан бўлса ҳам. Масалан, берган ҳибанинг ўрнига бу нарсани ол деб бермоқ.

Тўртинчи, ҳибани сотмоқ ё бирорвга инъом қилимок ё бошқа сабаб билан у ҳибанинг олган киши мулкидан чиқмоги.

Бешинчи, ҳиба вақтида ҳибани олган билан берганинг эр ва хотин бўлмоқлари.

Олтинчи, ҳиба қилган киши билан ҳибани олганнинг бирига маҳрам бўлмоқлари, яъни никоҳи ҳаром қариндош бўлмоқлари.

Еттинчи, ҳиба қилинган нарсанинг ҳалок ва нобуд бўлмоги. Ушбу етти хил ҳукмнинг бири мавжуд бўлса, ҳиба қилган киши қайтариб ололмайди¹⁰.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мусулмон ҳукуқида ҳадя ва хайр-эҳсон реал шартномавий муносабатлар ҳисобланаби, фиқҳшунос олимлар томонидан Куръони карим ва ҳадиси шарифлар асосида батафсил тартибга солувчи нормалар ишлаб чиқилган.

⁸Ўша жойда. 192-193 бетлар.

⁹Ўша жойда. 193 бет.

¹⁰Максудўйха ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсад: 2-китоб / Масъул мұхаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. - Т.: «Sharq», 2015. 196-197-бетлар.

1917 йил Октябрь инқолобидан сўнг мамлакатимизда мусулмон ҳуқуқи бекор бўлиб, совет қонунчилиги амал қила бошлаган. Дастреб совет қонунчилигининг ҳадя шартномасига нисбатан муносабати салбий бўлган. Йирик бойликлар алоҳида шахслар кўлида тўпланиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида қонун чиқарувчи орган БМИКнинг 1918 йил 20 майдаги «Ҳадялар ҳақида»ги декрети билан ҳадя шартномаси шакли ҳамда ҳадя этиш мумкин бўлган мулкнинг энг катта миқдори белгиланиб, 10 000 рублдан юқори миқдордаги мулкни ҳадя қилиш ҳуқуқи чеклаб кўйилди. Ушбу декрет вафот этган шахснинг мулкни ҳадя этишини тақиқлаб, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш оқибатларини ҳам белгилади. 1000 рублдан 10 000 рублага бўлган мулкни ҳадя қилишда нотариал ёки суд акти шаклига риоя қилиниши шарт бўлган, акс ҳолда ҳақиқий эмас деб топилган¹¹.

Шунга мос равишида кўрсатилган тақиқлар 1922 йилдаги РСФСР Гражданлик кодексининг 138-моддасида ҳам ўз ифодасини топди. Таъкидлаш жоиз, 1927 йил Ўзбекистон ССР ГК қабул қилингунга қадар мамлакатимиз худудида РСФСР ГК амалда бўлган. Ҳадянга тақиқлаш БМИКнинг 1918 йил 27 апрелдаги «Меросни бекор қилиш тўғрисида»ги декрети билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу декрет қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик, давлат божини тўламаслик учун мулкни яширишнинг олдини олиш мақсадлари кўзланган. Шундай қилиб, РСФСР Гражданлик кодексининг «Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар» деб номланган II кичик бўлимида ҳадянни текинга тузиладиган шартнома сифатида ифодаловчи битта модда (138-модда) мустаҳкамланди. Кўриб чиқилаётган тарихий даврда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги сиёсат хусусий мулк ҳажмини қисқартиришга қаратилганлиги билан характерланиб, шу асосда мерос ва ҳадя ҳажми чеклаб кўйилган эди¹².

1926 йилга келиб БМИК ва ССРХКнинг қарори билан 1918 йилда ҳадянинг суммасига нисбатан ўрнатилган чекловлар олиб ташланиб, 1922 йилдаги РСФСР Гражданлик кодексининг 138-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди ва у

ҳадя шартномасига бағишлиланган ягона норма бўлиб қолди. У қўйидаги қоидани ўрнатган эди: «Минг рублдан ортиқ суммадаги мулқдан текинга воз кечиш (ҳадя) шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт, акс ҳолда ҳақиқий эмас деб топилади».

1927 йилдаги ЎзССР Гражданлик кодекси кирқ йилга яқин амалда бўлди. Шунинг учун фуқаролик ҳуқуқига муносабат янги иқтисодий сиёсат ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги режали иқтисодиёт шароитига мос равишида Гражданлик кодексининг айни нормалари шарҳларида ўз ифодасини топди. Хусусан, урушдан кейинги даврдаги фуқаролик ҳуқуқига оид адабиётларда ҳадя фақаттинга ашё ёки пулни текинга ўзидан бегоналаштириш каби тор тушунча сифатида мустаҳкамланниб қолди.

1950-йиллар ўрталарида СССР Гражданлик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу ҳолат иттифоқдаги республикаларнинг номига бўлса ҳам давлат суверенитети мавжудлигини амалда йўқча чиқариб, ягона қонунни жорий этишига олиб келиши мумкин эди. Бироқ 1957 йилда СССР Конституциясига кирилтган ўзгаришлар, яъни «иликлиқ» (оттепель) даври бу гояни амалга оширишга тўсик бўлди. 1956–1964 йилларда фуқаролик қонунчилигини кодификациялаш бўйича цивилист олимлар ўртасида жуда катта баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

СССР ва иттифоқдош республикалар Гражданлик қонунчилиги асослари асосида ишлаб чиқилган ва 1963 йил 23 марта қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси 8 бўлим, 622 моддадан иборат бўлган. Унинг мазмунига коммунистик мафкура ақидалари сингидирилган бўлиб, давлат мулкнинг имтиёзли ҳуқуқий ҳолати фуқароларнинг мулк ҳуқуқи чекланганлиги, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик қилиш имкониятлари назарда тутилмаганлиги, жуда кўп масалаларни тартибга солиш маҳкамавий ҳужжатлар ихтиёрига бериб кўйилганлиги ва шу каби ҳолатларда ўз аксини топган¹³. Ушбу кодекс 1964 йил 1 январдан кучга киритилган.

¹¹ Брагинский М. И., Витрянский В. В. Договорное право. Кн.2: Договоры о передаче имущества. М., 2003. С. 292.

¹² Граве А., Новицкий И.Б. Отдельные виды обязательств. М., 1948. - С. 128.

¹³ И. Б. Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т.: ТДЮИ, 2009. 13-бет.

Ваҳоланки, янги кодекс қабул қилингани билан совет давлатининг ижтимоий сиёсатида ҳадя шартномасига нисбатан ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Ўзбекистон ССРнинг 1964 йилдаги Гражданлик кодекси «Мажбуриятнинг айрим турлари» деб номланган III бўлимининг 24-боби «Ҳадя» деб номланиб, ҳадя шартномасининг шаклига алоҳида эътибор қаратилган учта модда (274-276-моддалар)дан иборат эди. Бу эса мазкур шартномани кўллаш доираси кескин торайиб кетишига олиб келди ҳамда бу нарса социалистик ахлоқ принципларига ҳавола қилиш билан оқлаб келинди.

Ўзбекистон ССРнинг 1964 йилдаги Гражданлик кодекси 274-моддасига кўра, ҳадя шартномаси бўйича бир тараф (ҳадя қилувчи) мулкни иккинчи тарафнинг (ҳадя олувчининг) эгалигига текинга топширган. Гражданлар томонидан ўз мулкларининг давлат, кооператив ёки жамоат ташкилотларига ҳадя қилинишида бу мулклардан муайян ижтимоий фойдали мақсадларда фойдаланиш шарт қилиб кўрсатилиши мумкин бўлган.

Ўзбекистон ССР ГКнинг 275-моддасига кўра, 500 сўмдан ошиқ суммага тузиладиган ҳадя шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши лозим бўлган. Граждан томонидан мулкни давлат, кооператив ёки жамоат ташкилотига ҳадя қилиш шартномаси оддий ёзма шаклда тузилган. Ўй-жойни ҳадя қилиш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советининг ижроия комитетида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган. Мазкур

модданинг биринчи қисмида 500 сўмдан ошиқ суммага тузиладиган ҳадя шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши лозимлиги белгиланган бўлса-да, валюта билан боғлиқ ҳадя шартномалари ҳам нотариал гувоҳлантирилиши шарт бўлган.


ЎзССР ГК 275-моддасининг мазмунидан кўриниб турибдик, ҳадя шартномаси фақат реал шартнома деб тан олинган. Хусусан, Ф.Х. Сайфуллаев «Ҳадя шартномаси реал шартномалар группасига кирадиган шартнома бўлганилиги туфайли мазкур шартнома мулкнинг ҳадя олувчига топширилган пайтидан бошлаб тузилган ҳисобланади»¹⁴ деб фикр билдиради. Ҳадяни бундай тор тушуни катта аҳамиятга эга бўлган. Бироқ 1964 йилдаги ЎзССР ГКда ҳадя шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар қаторига (айрим бошлаш шартномасидан кейин) жойлаштирилса-да, ҳадя шартномасининг мазмuni фуқаролик хукуқи тизимида бундай ўрин эгаллашига мос бўлмаган.

Ҳақиқатан ҳам ҳадя шартномаси (ҳадя қилувчи учун ҳам, ҳадя олувчи учун ҳам) мажбурият тутдирмаган. Чунки ҳадя текинга тузиладиган шартнома бўлиб, ҳадя олувчи томонидан ҳеч қандай эквивалентни назарда тутмайди, яъни ҳадя олувчида ҳеч қандай мажбурият бўлмайди. Ҳадя шартномаси ашё топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланар экан, демак ҳадя қилувчи учун ҳам ҳеч қандай мажбурият тутдирмайди. Ваҳоланку, у ҳадяни топшириб бўлган бўлади, акс ҳолда ҳадя шартномаси қонунга зид бўлиб, тузилмаган ҳисобланади. Шундай қилиб, тузилган ҳадя шартномаси ҳадя қилувчига ҳам, ҳадя олувчига ҳам ҳеч қандай хукуқ ва мажбурият тутдирмайди.

Кўриниб турибдик, совет давлатининг ҳадя шартномасига муносабати ўша даврдаги гоявий-сиёсий қарашлар таъсирида бўлган ва унинг кўлланиш доираси кескин тор қилиб белгилаб кўйилган ҳамда социалистик ахлоқ принципларига ҳавола қилиш билан оқлаб келинган.



¹⁴Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси / Масъул редакторлар: М.Восикова, Ф.Сайфуллаев. –Т.: Ўзбекистон, 1976. 22-бет. (24-бобнинг муаллифи Ф.Х.Сайфуллаев).



* * *

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатимизда бозор муносабатларини қарор топтириш, хукуқий демократик давлатни шакллантириш бош мақсад сифатида белгилаб олинди. Амалдаги ГК эса бу вазифаларни бажара олмас эди. Шу сабабли ҳам ўша даврдан бошлаб фуқаролик қонунчилиги ривожида янги босқич бошлианди. Бу босқичнинг характеристи-ли хусусияти шундаки, бунда ГКнинг иқтисодиёт соҳасини тартибга солувчи меъёрлари амалда кўлланмай қўйилди. Улар ўрнига «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунлар ишлай бошлиди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин фуқаролик қонунларини бозор тизими, хукуқий демократик давлат талаблари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида янгилаш вазифаси қўйилди. Фуқаролик-хукуқий муносабатларни тартибга солишда эски ГК ўрнига жорий қонунларни узвий боғлайдиган, яхлит тизимга соладиган, улар ўртасидаги мутаносиб-

ликни таъминлайдиган янги ФК ишлаб чиқиш лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми эса 1996 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинди ва 1997 йил 1 мартаңдан кучга киритилди. Унда «Мажбуриятларнинг айрим турлари»га бағишиланган З-кичик бўлимнинг 31-боби ҳадя тўғрисидаги маҳсус нормаларни мустаҳкамлаган бўлиб, 502-511-моддаларни ўз ичига олди.

Шуни таъкидлаш жоизки, янги Фуқаролик кодексини қабул қилиш билан фуқаролик хукуқининг ривожланиш жараёни тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, бугун ўз ривожининг янги босқичларига қадам қўйиб бормоқда. Бундаги асосий стратегик йўналиш бозор муносабатлари тизимини мустаҳкамлаш, фуқаролик-хукуқий муносабатларни амалга ошириш жараёнини эркинлаштириш, шахсий хукуқларни фуқаролик-хукуқий тартибга солиш ва муҳофаза қилишни яхшилаш хисобланади.

Мурод ЧОРИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти
катта ўқитувчisi, доцент



Пойтахтларни белгилаш ва күчириш тенденцияси ўзига хос хусусиятлар

Айнан шу нұқтай назардан, пойтахтни белгилаш ва уни күчиришга оид тарихий жараёнларни ўрганиш, унга таъсир қылувчи омилларни анықлаш орқали қонунчиликда ҳукуқий тартибини алоҳида мустаҳкамлаш долзарбдир. Зоро, минг йилликлар давомида подшоҳлар, фиръавнлар, императорлар, қироллар ва президентлар бир саволни берганлар: давлат пойтахти қаерда бўлиши керак? Бу борадаги кўп асрлик тажриба

¹ Россман В. Столицы: их многообразие, закономерности развития и перемещения. - М.: Издво Ин-та Гайдара, 2013. - С. 35.

² Trevisch A.I., Zotova M.V., Savchuk I.G. Types of cities in Russia and across the globe // Regional research of Russia. - Moscow, 2014. - Vol. 4. - № 2. - Pp. 90-91. DOI:10.1134/S2079970514020129.


Пойтахт давлат сиёсий-худудий тузилишининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. У нафақат марказий ҳокимият органларининг жойлашуви¹, балки мамлакат суверенитетини бошқариш маркази, шунингдек, биринчи навбатда давлатнинг маъмурий-худудий тузилишига, «марказ – худудлар» муносабатлари тизимиға ва минтақавий сиёсатига таъсир кўрсатадиган, унинг давлатчилигини шакллантирадиган, давом эттирадиган ва ўзgartирадиган энг муҳим элементdir².

тахлили улар пойтахтни бир шаҳардан бошқа шаҳарга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилишларига турткى берган бир қатор омилларни аниqlаш имконини беради.


Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, пойтахт жойлашган жойни ўзgartiriшига турткى берган омиллардан энг биринчиси консерваторлар ва радикал ўзгиришлар тарафдорлари ўртасидағи кескин сиёсий кураш бўлган. Бундай кураш мутлақ ҳокимият ва давлатнинг марказлашуви давларида айниқса кескин тус олган. Эски пойтахт барча замонларда ҳам эски анъаналар ва ўз имтиёзларидан воз кечишни истамаган зодагонларнинг таянчи саналган. Конфликт одатда подшо эски пойтахтни тарк этишидан бошланган – бироқ шу босқичдаёт унга хавф таҳдид соглан. Султон Мустафо II (хукмронлик йиллари 1695-1703) Истанбулда яшашни истамагани туфайли яничарлар томонидан таҳтдан ағдарилган. Ха-




Истанбул



Бағдад



Сянъян



Дехли



Санкт-Петербург

үлифа Маъмун (813-833) таҳтга ўтирганидан кейин дархол Бағдодга етиб келишни истамагани учун унга қарши катта қўзғолон кўтаришган. Шунинг учун бўлса керак, баъзи подшолар ўзларининг пойтахтдан кетишига бўлган ҳаракатларини ниқоблашга интилганлар (масалан, Людовик XIV Версалга кўчиб борган бўлса-да, бироқ Парижнинг пойтахт мақомини сақлаб қолган)³.

Баъзан эски пойтахт аҳолиси билан конфликтни юмшатиш учун подшолар аҳолининг бир қисмини янги жойга кўчирган.

Янги пойтахт устунлигини қарор топтиришини истаган подшолар баъзан кенг кўламли қурилиш бошлаганлар ва улкан иншоотларни барпо этганлар. Масалан, Синаххериб нима қилиб бўлмасин Ниневияни Ашшурдан катта ва чиройли қилишга интилган. Хитой императори Цин Ши-хуанди (милоддан аввалги 246-210 йиллар) империя пойтахти – Сянъян шаҳрини қайтадан қурган.

Пойтахтни бир жойдан бошқа жойга кўчириш зарурати иқтисодий омиллар билан ҳам белгиланиши мумкин. Заруратга кўра пойтахт давлатнинг иқтисодий марказида, айниқса ривожланган худудида жойлашиши лозим. Македониялик Искандар Эрон давлатини ишғол қилгач, Шарқнинг йирик иқтисодий ва маданий маркази – Бобилни янги империя пойтахти деб эълон қилган. Унинг вориси Салавка Никатор македониялик подшолар учун Бобилни ҳаддан ташқари шарқона шаҳар деб ҳисоблаган. У ўз қароргоҳини бу ердан кўчиришга қарор қилган ва янги пойтахт – Салавкияга асос солган. Орадан уч юз йил ўтгач, Парфия шаҳаншоҳлари Салавкини

ўзлари учун ҳаддан ташқари юонча шаҳар дея баҳолаган ва янги пойтахт – Ктесифонга асос солғанлар. Араблар Ктесифонни вайрон қилганлар, бироқ орадан юз йил ўтгач, унинг ўринида янги пойтахт – Бағдодни барпо этишган. Бобил худуди шу даражада жалб қилувчан бўлганки, янги истилочилар ўз пойтахтларини айнан шу ерда – қадимги шаҳар ҳаробалари яқинидаги қурганлар. Халифа Мутассим 836 йилда ўз қароргоҳини Самаррага кўчиргач, у Бағдодга пойтахт мақомини қолдирган; бироқ кўп ўтмай ҳалифалар яна Бағдодга қайтишган⁴.

Айрим ҳолларда пойтахтни бир жойдан бошқа жойга кўчириш янги ерларни ўзлаштириш ёки истило қилиш жараёнида янада тезкорлик билан бошқариш учун амалга оширилган. Масалан, Дехли сultonни Муҳаммад Туғлоқ (1325-1351) ўз ҳуқмронлигининг дастлабки даврида шу мақсадда пойтахтни Дехлидан Давагирига (Хиндистоннинг марказий ҳудуди) кўчирган. Бироқ Дехлининг иқтисодий кучи кўп ўтмай подшоҳни ўз қарорини қайta кўриш ва эски пойтахтга қайтишга мажбур этган. Шимолий уруш (1700-1721 йиллар) жараёнида 1703 йил майда Петр I бевосита иштирок этган меваффақиятли ҳарбий кампания натижасида Болтиқ денгизига кўйиладиган Нева дарёси Россия қўлига ўтган. Унинг қирғоқларида янги шаҳар – Санкт-Петербург барпо этилган. Мутлақ монархияни қарор топтириш ва давлат аппаратини ислоҳ қилиш жараёнида пойтахт Москвадан Нева бўйидаги шаҳарга кўчирсан ва бу 1712 йилда расмий ҳужжатни қабул қилиш йўли билан мустаҳкамланган. Бунга давлат бошқаруви янги тизимини янги шароитларда

яратиш ва пойтахтни Европага яқинлаштириш зарурати турткি берган. Нисбатан оғир иқлими, шунингдек мамлакат провинцияларининг аксарияти узокда жойлашгани нокулай омил сифатида қаралган.

Пойтахтнинг янги жойга кўчирилиши сабабларидан яна бирни истилочилар томонидан ҳужум ва талон-торож қилиниш хавфининг кучлилиги ҳисобланган. Масалан, Хитойда мўғулларга қарши Қизил bogичилар кўзғолони раҳбарларидан бири Чжу Юаньчжан 1367 йилда мўғулларноиби Юань сулоласининг пойтахти бўлган Пекин шаҳрини ишғол қилгандан сўнг император деб эълон қилинган ва янги Мин сулоласига асос солган. Хавфсизлик мақсадида пойтахт жанубга, мўғул истилочиларидан узоқда жойлашган Нанкин шаҳрига кўчирсан.

Пойтахтни бир жойдан бошқа жойга кўчириши билан бир қаторда, пойтахт функцияларини қисман тақсимлаш амалиёти ҳам мавжуд. У марказий ҳокимият ва бошқарув органларини пойтахтдан мамлакатнинг бошқа шаҳарларига кўчиришда ўз ифодасини топади. Бунга миллий ҳуқуматларининг ёки «эски», «канъанавий» ҳудудларни модернизация қилиш ва ривожлантириш ёхуд янги ҳудудларни ўзлаштириш, ё мамлакатнинг стратегик аҳамиятта эга бўлган минтақаларини кучайтириш нияти турткি бериши мумкин.

Масалан, Россияяда 2006 йилнинг мартауда суд ҳокимиятининг муҳим институти – Конституциявий судни Москвадан Санкт-Петербургга кўчириш ташаббуси илгари сурилди. Бу ташаббус шу йилнинг охирида қонун йўли билан мустаҳкамланди⁵. Бунда «шимолий пойтахт» тушунчаси

тимсолдан воқеликка айланиши лозимлиги на зарда тутилган. Умуман олганда, пойтахт функцияларининг мамлакат шаҳарлари бўйлаб тақсимланиши Россияга ўхшаган катта давлатларни ривожлантириш мантиқи билан мос келади.

Пойтахт функцияларини мамлакат шаҳарлари бўйлаб тақсимлашга баъзан мамлакат минтақаларининг ривожланиши даражасидаги номутаносибликларни бартараф этишга интилиш ҳам турткি бериши мумкин. Масалан, 2004 йилда Россия Федерацияси давлат думонидан айрим пойтахт функцияларини Россиянинг шарқий қисмiga кўчириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасининг яратилишига Узоқ Шарқ ва Сибирни жадал ривожлантириш зарурати турткি берди. Ҳужжатта кўра, у ерга олдин амалдорлар, сўнгра бизнес давраларининг вакиллари кўчиб боришлари керак эди. Бироқ мазкур қонун лойиҳаси қўллаб-куватланмади⁶. Бунга, шу жумладан, пойтахт функцияларини кўчиришининг ўзи Сибирни ўзлаштириш ва ушбу минтақадаги демографик вазиятни яхшилаш муаммосини ечиши мумкин эмаслиги сабаб бўлди. Бу вазифани ҳал этиш учун кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур ва уларнинг орасида пойтахтни кўчириш факат ёрдамчи тадбир бўлиши мумкин.

Шу маънода ГФР тажрибаси ҳам диққатга сазовор: бу ерда Конституциявий суд давлат пойтахти – Берлин шаҳрида эмас, балки Карлсруэда, Марказий банк эса – Франкфуртда жойлашган⁷. Бу ҳокимиятни марказлаштиришдан чиқариш жараёнига мисол бўлади. Бундай тадбирлар, бир томондан, давлат институтлари ишини таъминин

³Домашнев А.Д., Дроздова Т.Н. Из глубины веков. – И., 1984. – С. 21.

⁴История древнего Востока / Под ред. И.М.Дьяконова, Г.М.Бонгард-Левина. – М., 1983.

⁵Сервер органов государственной власти Российской Федерации «Официальная Россия» (<http://www.gov.ru>).

⁶Сервер органов государственной власти Российской Федерации «Официальная Россия» (<http://www.gov.ru>).

⁷Федерализм: Энциклопедия. – М., 2000. – С. 581-583.



лаш учун харажатларни сезиларли даражада күпайтиради, бироқ бошқа томондан, шаҳарлар ва минтақаларнинг ривожланишига турткى бे-рувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Конституциявий тузумда пойтахт шаҳарларнинг тутган ўрни масаласи охирги ўн йилликларда қатор тадқиқотлар учун долзарб мавзуга айланди. Хусусан, немис тадқиқотчиси Кристоф Да-шер ўзининг қатор изланишиларида пойтахтнинг мамлакат ижтимоий ҳәётида тутган ўрнини белгиловчи омилларни аниқлашга ҳаракат қилган. У ўз таҳлиллари асосида аксарият ҳолатларда пойтахт ўз мамлакатининг иқтисодий салоҳияти, нуфуси, маданий ривожланганлилк даражасига кўра энг йирик маркази эканлигига эътибор қаратади. Мазкур ҳолатдан истиснолар фақат айrim федерал давлатларгагина хосдир деб хисоблайди. Олимнинг тадқиқотларига кўра, бундай ҳолатни нисбатан йирик 146 та давлатдан фақатгина 25 тасида кўриш мумкин⁸.

Пойтахтнинг мамлакат сиёсий маркази сифатидаги ўрни давлат ҳокимияти олий органларининг ушбу шаҳарда жойлашганлиги билан белгиланади. Лекин турли тарихий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсирида мазкур принципдан тўла ёки қисман чекинилган давлатлар ҳам мавжуд.

Энг кўп ҳолат сифатида мамлакат олий судлов органларининг пойтахтдан ташқарида фаолият кўрсатишини кузатиш мумкин. Масалан, Чехияда (пойтахти Прага шаҳри) олий суд инстанцияси вазифасини бажарувчи ҳар учала суд

Брно шаҳрида, ГФР (пойтахти Берлин шаҳри) Конституциявий суди Карлсруэ шаҳрида, Швейцария (пойтахти Берн шаҳри) Олий суди Лозанна шаҳрида, Эстония (пойтахти Таллин шаҳри) Олий суди Тарту шаҳрида, Россия Федерацияси (пойтахти Москва шаҳри) Конституциявий суди Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган.

Бироқ қонун чиқарувчи орган ҳам пойтахтдан ташқарида жойлашган мамлакатлар мавжуд. Масалан, Чили (пойтахти Сантьяго) Миллий конгресси Валпараизо шаҳрида фаолият кўрсатади. Франция парламентининг ҳар икки палатаси ҳам Парижда фаолият кўрсатади, бироқ уларнинг кўшма мажлиси Версал саройида ўтказилади.

Баъзан давлат бошлигининг қароргоҳи ҳам пойтахтдан ташқарида жойлашган бўлиши мумкин. Масалан, Свазилендда қироллик саройи, Финландияда (пойтахти Хельсинки шаҳри) Президент қароргоҳи ёз фаслида бошқа шаҳарларда фаолият юритиши сабаби хукумат мажлислари ҳам шу ерда ўтказилади.

Жанубий Африка Республикасида пойтахтнинг функциялари янада кенгроқ тақсимланган. Бу ерда 1910 йилда тузилган иттилоқ шартномасига мувофиқ Претория шаҳри давлатнинг маъмурий маркази хисобланиб, қонун чиқарувчи ҳокимият Кейптаун шаҳрида, суд ҳокимияти эса Блумфонтейн шаҳрида фаолият кўрсатади.

Айrim ҳолларда тарихий пойтахт шаҳарнинг маъкоми тикланиши ҳам пойтахтнинг функциялари тақсимланишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, ГФРда пойтахт берлин шаҳрига кўчирилган бўлса-да, айrim федерал вазирликлар, бир неча хорижий элчихоналар ҳозиргача Бонн шаҳрида фаолият кўрсатмоқда.

Турли хил омиллар таъсирида пойтахтнинг янги шаҳарга кўчирилиши ҳам пойтахтга хос функцияларнинг тақсимланишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, 1973 йилда Танзания пойтахти Доруссалом шаҳридан Додома шаҳрига, 1998 йилда Қозогистон Республикасининг пойтахти Олмаота шаҳридан Остона⁹ шаҳрига, 2005 йилда Мьянма пойтахти Янгон (Рангон) шаҳридан Наммаду шаҳрига, Шри-Ланка пойтахти Коломбо



⁸ Are politics and geography related?: Evidence from a cross-section of capital cities. Kristof Dascher. Public Choice. Vol. 105, No. 3/4 (2000), - Pp. 373-392. <https://www.jstor.org/stable/30026402>


⁹ 2018 йил 23 мартаңдан бошлаб Нұрсултон деб атади. Батағсил қаранг: Указ Президента РК от 23 марта 2019 года № 6 «О переименовании города Астаны – столицы Республики Казахстан в город Нур-Султан – столицу Республики Казахстан». <http://www.akorda.kz/ru/legal Acts/decrees/o-pereimenovalii-goroda-astany-stolicy-respublikii-kazahstan-v-gorod-nur-sultan-stolicu-respublikii-kazahstan>

шахридан Шри-Жаяварденапура-Котте шаҳрига кўчирилган бўлса-да, мазкур давлатлардаги бир неча марказий давлат органлари ва дипломатик муассасалар собиқ пойтахтларда қолган.

Миллий давлатчиликимиз тарихига ҳам назар ташлайдиган бўлсак, бир неча маротаба пойтахт кўчирилганинг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, 1925 йил 13 февралда ўтказилган Бутунўзбек советларининг биринчи таъсис қурултойида «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги тўғрисида»ги декларация¹⁰ қабул қилиниб, мамлакатнинг илк пойтахти этиб Бухоро шаҳри белгиланган.

1925 йил апрель ойида пойтахт Бухорадан Самарқанд шаҳрига кўчирилган¹¹. 1930 йил 17 августанда Ўзбекистон Ижтимоий Шуро Жумхурияти Шўролар Марказий ижроия қўмитасининг «ЎзИШЖ пойтахтини Самарқанд шаҳридан Тошкент шаҳрига кўчириш ҳамда ЎзИШЖ асосий қонуннинг 114'-моддасини ўзгартиш тўғрисида»ги 155-қарорига асосан пойтахт Самарқанд шаҳридан Тошкент шаҳрига кўчирилган. Мазкур қарорда пойтахтни Самарқанд шаҳридан Тошкент шаҳрига кўчириш зарурати: биринчидан, Тошкентнинг мамлакатдаги энг ийрик иқтисодий ва саноат маркази эканлиги; иккинчидан, Ўзбекистоннинг «бош пахта райони» бўлган Фарғона водийси билан алоқа қилиш ва унга раҳбарлик қилиш Тошкентдан ҳар томонлама қулавилиги; уччинчидан, ЎзИШЖ марказий идоралари ҳамда Ўрта Осиё идоралари билан бир шаҳарда туриб «яқин иттифоқда бўлиш» имкониятининг мавжудлиги билан асослантирилган¹². Кўриб турганимиздек, пойтахт Самарқанд шаҳридан Тошкент шаҳрига шўро давлатининг муҳим геосиёсий стратегик мақсадидан келиб чиқиб кўчирилган. Шундай қилиб, Тошкент шаҳри дастлаб ЎзССР-нинг пойтахти бўлган бўлса, 1991 йил 31 августандаги ҳозирги кунга қадар суверен Ўзбекистон Республикасининг пойтахти хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига биноан Ўзбекистон Респуб-



¹⁰ Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши // <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi/136-milliy-cheqara.html>.

¹¹ Ражабов Қ., Қандов Б., Рахабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимиги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайтаришиланган олтинчи нашри. – Тошкент: «О’zbekiston», 2015. – 480-бет.

¹² Архив материалов.



ликаси маъмурӣ-ҳудудий тузилишига кўра вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг маъмурӣ-ҳудудий тузилиши тўғрисида»ги қонуни¹³ 5-моддаси бешинчи қисмида Тошкент шаҳри туманлардан иборат экани қайд этилган. Бироқ ҳар иккала қонунда ҳам Тошкент шаҳри пойтахт, шунингдек, мустақил маъмурӣ ҳудудий бирлик сифатида алоҳида кўрсатилмаган.

Бизнингча, пойтахтнинг мамлакат ҳаётида асосий сиёсий марказ сифатидаги мавқеи ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Тошкент шаҳрини алоҳида маъмурӣ-ҳудудий бирлик сифатида кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ва кўчириш тартибига оид нормани қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ.

В. Россман тўғри таъкидлаганидек, пойтахтларни кўчириш – давлатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётини тубдан ва ҳар томонлама ўзгартирадиган, инсоният тарихидаги энг улкан муҳандислик лойиҳаларидан бири ҳисобланади¹⁴. Шундай экан, дунёда пойтахтларни кўчириш тенденцияси ҳозирги кунга қадар сақланиб қолганини кўриш мумкин. Жумладан, 2006 йилда Палау давлатининг пойтахти Корор шаҳридан Нгерулмуд шаҳрига, 2019 йилда Бурунди давлатининг пойтахти Бужумбура шаҳридан Гитега шаҳрига кўчирилган.

Т. Акматалиевнинг фикрича, пойтахтларни кўчиришнинг асосий сабаби – аҳоли сонининг ҳаддан ташқари кўплиги ва у билан юзага келган муаммолар, шунингдек, мамлакатнинг бошқа ҳудудларини ривожлантириш истаги билан боелиқ¹⁵. Жумладан, 2019 йилдан Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрини Шарқий Калимантан провинцияси ҳудудига кўчириш бўйича қизғин ишлар олиб борилмоқда. Кўчиришнинг асосий


¹³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2020 й., 03/20/635/1237-сон.

¹⁴ Россман В. Переносы столиц на повестке дня современных государств // <https://cyberleninka.ru/article/n/perenosy-stolits-na-povestke-dnya-sovremennyh-gosudarstv>.

¹⁵ Акматалиев Т. Строительство новой столицы: позитивное влияние на экономическое развитие страны // Наука, новые технологии и инновации Кыргызстана. № 9, 2016. – С. 80.

омиллари сифатида Жакарта ахолиси сонининг кўпайгани, инфратузилма тизимларининг ҳаддан ташқари юклангани ва ноқулай экологик шарапот кўрсатилмоқда¹⁶.

Шунингдек, Жанубий Корея, Эрон, Аргентина давлатларида пойтахтни кўчириш режалаштирилаётган бўлса, Россия, Франция, Озарбайжон, Англия, Япония, Мексика, Испания каби давлатларда пойтахтни кўчириш бўйича қизғин муҳокамалар олиб борилмоқда¹⁷.



Индонезия, Жакарта

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, кўйидаги илмий-назарий хуносалар ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари суриласди:

Биринчидан, пойтахтни кўчириш тенденцияси узоқ минг йилликларга бориб тақалади ва даврлар ўтиши билан ўз актуаллигини йўқотмайди;

Иккинчидан, пойтахтни ўзгартиришга таъсир қилувчи омиллар динамик хусусиятга эга бўлиб, жамият ривожланиши ва унинг манфаатларига ҳамоҳанг равишда ўзариди боради;

Учинчидан, давлатнинг тузилиши ва сиёсий тизими ҳамда тарихий анъаналаридан келиб чиқсан ҳолда пойтахтни белгилаш ва кўчириш тартиби давлатлар ўртасида бир-бираидан фарқ қиласди. Пойтахтни белгилаш ва кўчириш тўғрисидаги қарор одатда, давлат ҳокимиятининг олий органлари (вакиллик органлари), энг олий мансабдор шахслари томонидан қабул қилинади;

Тўртингчидан, бугунги кунга келиб пойтахтни кўчиришга таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида тарихдан шаклланиб келган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий каби омилларни қайд этиш билан бир қаторда, пойтахт ахолиси сонининг ортиб бориши ва у билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш; ноқулай географик шарт-шароит ва геосиёсий вазиятни яхшилаш; янги ҳудудларни ўзлаштириш ва ривожлантириш; пойтахт функцияларини қисман тақсимлаш йўли билан миллий ҳукуматларни ёки «эски», «анъанавий» ҳудудларни модернизация қилиш ва ривожлантириш заруратини келтириш мумкин;

Бешинчидан, пойтахтнинг мамлакат ҳаётида асосий сиёсий марказ сифатидаги мавқеи ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида»ги қонунида Тошкент шаҳрини пойтахт, шунингдек, мустақил маъмурий ҳудудий бирлик сифатида алоҳида кўрсатиш ва уни кўчириш тартибига оид нормани мустаҳкамлаш тақлиф этилади.


Элдор ҲАМОРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академииси
мустақил изланувчиси

¹⁶ <https://ru.wikipedia.org>.

¹⁷ Акматалиев Т. Строительство новой столицы: позитивное влияние на экономическое развитие страны // Наука, новые технологии и инновации Кыргызстана. № 9, 2016. – С. 80.



ННТ – фуқаролик жамиятининг ўзаги



Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш ва уларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг ўзагини ташкил этадиган мазкур сектор фаолиятини демократик талаблар асосида йўлга қўймасдан янги Ўзбекистонни барпо этишга ҳам, бозор муносабатларини ривожлантиришга ҳам эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2085-қарори билан нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти бошقا институтларининг ижтимоий, социал-иктисодий фаоллигини ошириб бориш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича ислоҳотлар жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамоилини босқичма-босқич рўёбга чиқариш, шунингдек, ННТ тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга кўйиш билан боғлиқ ташкилий-хукуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддлаштириш вазифаси қўйилган.

Халқаро хукуқий ҳужжатларда тан олинган ва ушбу кўрсаткич бўйича халқаро ташкилотлар томонидан хукуқ устуворлиги ва демократик ривожланиш мезонлари ишлаб чиқиладиган фуқароларнинг уюшиш хукуқи миллий қонунчиликда тўлиқ акс этганини қайд этиш зарур.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 21-моддасига, 34-моддаси Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасига мос. Ўзбекистон мазкур халқаро ҳужжатларга қўшилган ва бошқа хукуқлар қатори фуқароларнинг уюшиш эркинлиги хукуқига риоя этиш мажбуриятини олган.

Агар 1991 йилда мамлакатда ҳаммаси бўлиб 100 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, 2020 йил 1 январда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган ННТлар ва уларнинг ҳисобга олинган бўлинмаларининг сони 10502 тани ташкил қиласди¹. Бундан кўринадикни, йилдан-йилга сон ва сифат жиҳатдан ўсиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг хукуқий мақомини белгилаш бўйича илмий тадқиқотларга зарурат ортмоқда.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлар» атамаси кўпгина давлатлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса-да, аксарият ҳолларда уларнинг конституцияларида бу атама ўрнида «жамоат бирлашмаси» атамаси ишлатилади. Шунингдек, кўпчилик давлатларда ННТга нисбатан махсус юридик таъриф мавжуд эмас².

Илмий адабиётларда мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини белгилаш бўйича қарашлар турлича. Шу боис айрим тадқиқотларда «жамоат бирлашмалари», бальзилиарида «нодавлат нотижорат ташкилотлар», айримларида эса «нотижорат ташкилотлар» тушунчаларидан фойдаланилади.

Социология, юриспруденция ва политология соҳасида фаолият олиб борувчи ғарблик аксарият мутахассислар ноҳукумат ташкилотларни (инглиз тилида «non-governmental organizations» (NGO), рус тилида «неправительственные организации» (НПО) фуқаролик жамиятининг асосий институти деб ҳисоблашади.

Ноҳукумат ташкилотлар тушунчаси илк бор халқаро хукуқий ҳужжат – БМТ уставининг 71-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, кейинчалик бошқа халқаро хукуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчиликда акс эта бошлаган.

БМТ ноҳукумат ташкилот тушунчасида «давлат ёки халқаро даражада фуқароларнинг ихтиёрий нотижорат мақсадда ташкил этилган иттифоқи» деб таъриф берган бўлса, Европа кенгаши уни «моҳиятига кўра ўзини ўзи бошқаришга асосланган ихтиёрий ташкилот» сифатида таърифлайди³.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига нодавлат нотижорат ташкилот тушунчасидан фойдаланилган бўлиб, ушбу тушунчанинг жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар, уюшмалар, асоцациялар ва бошқа тушунчалар билан ўзаро нисбати масаласини таҳлил қилиш зарур.

¹ www.stat.uz сайтидан олинган маълумот.

² Либоркина М. Некоммерческий сектор международный опыт // <https://sociopolitika.ru>

³ Боржелли Н. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги // Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироқи масалалари бўйича халқаро тажриба. Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. Хукукий муаммоларни ўрганиш маркази. – Т., ART FLEX, -2012.



Л.Саламон ва С.Соколовскийлар тадқиқотла-рида ноҳукумат ташкилотлар давлат ва бизнес билан бир қаторда «учинчи сектор»ни ташкил қилиши қайд этилган. Улар нодавлат ташкилотларнинг бошқа номи сифатида «фуқаролик ташкилоти» ёки «нотижорат ташкилотлар» деган тушунчалар мавжудлигини ҳам эътироф этишади⁴.

Энди бевосита «нодавлат ташкилотлар», «ноҳукумат ташкилотлар», «нодавлат нотижорат ташкилотлар», «жамоат бирлашмалари» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини англаш, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, ушбу ташкилотларнинг инсон ҳукуқларини таъминлаш ва фуқаролик жамиятидаги тутган ўрнига доир тадқиқотларидан илгари сурилган назарий-ҳукукий қарашлар таҳлилига эътибор қаратсан.

А. Вейр ўз тадқиқотларида давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи нотижорат ташкилотларни «оралиқ (intermediate) ташкилотлар» деб аташни таклиф қилган ҳолда, ушбу ташкилотларга нисбатан анъанавий «нотижорат (даромадсиз, nonprofit) ташкилотлар» тушунчасини кўлламасликни таклиф қиласди⁵.

Ўзбекистон қонунчилигида «ноҳукумат ташкилотлар», «учинчи сектор» тушунчалари назарда тутилмаган, лекин «нодавлат нотижорат ташкилот» тушунчаси ушбу соҳага бағишиланган маҳсус қонунда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмаларига бағишиланган бўлиб, 56-62-моддалар ушбу институтнинг конституциявий ҳукукий мақомига бағишиланган. Унинг 56-моддасида Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибида рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилиши белгиланган.

Нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги асосий тушунчалар, уларнинг ҳукукий мақоми, ташкилий-ҳукукий шакллари, уни ташкил этиш, қайта

ташкил этиш ва тугатишнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-, 73-78-моддаларида ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни маҳсус тартибида солишнинг маъмурий тартиб-таомилларини белгилаб берувчи «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»га қонунда мустаҳкамланган.

Фуқаролик кодексининг 40-моддасига мувофиқ, «Тижоратни ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган мусассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин»⁶.

Шунингдек, кодекснинг 74-моддасида «жамоат бирлашмалари» тушунчаси ишлатилган бўлиб, унга кўра «маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари хисобланади»⁷.

Лекин кодекснинг 75-моддасидаги «фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиши асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилот жамоат фонди деб эътироф этилади»⁸ деган қоидани айтмаганда, унда нодавлат нотижорат ташкилотлар тушунчаси ҳақида ҳеч қандай норма мавжуд эмас.

Ушбу тушунча «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган бўлиб, унга кўра «Нодавлат нотижорат ташкилот – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишини ўз фаoliyatiinинг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир».

Ушбу қонунда Конституция ва Фуқаролик кодексида турли шакллари кўрсатилган тижорий

⁴ Salamon, L.M. and Sokolowski, S.W., Beyond nonprofits: Re-conceptualizing the third sector. VOLUNTAS: International Journal of Voluntary and Nonprofit Organizations, 27(4), 2016, pp.1515–1545.; Anheier, H.K. and Salamon, L.M., The nonprofit sector in comparative perspective. The nonprofit sector: A research handbook, 2, 2006, pp. 90-114.

⁵ Ware A. Between Profit and State. Intermediate Organizations in Britain and the United States. Cambridge: Polity Press. 1988. – Р. 26. 105—106.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахбортономаси, 1996 й., 2-сонга илова.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахбортономаси, 1996 й., 2-сонга илова.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахбортономаси, 1996 й., 2-сонга илова.

бўлмаган ташкилотларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро алоқаси аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, қонуннинг 10-моддасига кўра, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонулларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин»⁹.

Бундан кўрининб турибдики, тижорат мақсадларини кўзламайдиган барча нодавлат ташкилотлар миллий қонунчилиқда «нодавлат нотижорат ташкилотлар» тушунчаси остида бирлашиб, бир қанча ташкилий-хукуқий шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратсан бу борада турли хукуқий тушунчалардан фойдаланилганини кузатиш мумкин¹⁰. Мисол учун, АҚШ қонунчилигига «ноҳукумат нотижорат ташкилотлар», Британияда «нотижорат ташкилотлар»¹¹, Арманистонда эса яқдил равища «жамоат ташкилотлари» тушунчасидан фойдаланилган¹². Францияда нотижорат ташкилотлар «ассоциация» деб аталади ҳамда уларнинг фаолияти 1901 ва 1971 йилларда қабул қилинган ассоциациялар тўғрисидаги қонунлар билан тартибига солинади¹³.

Юқорида таъкидланганидек, ноҳукумат ташкилотлар тушунчаси БМТ уставида ҳам белгилangan ва у халқаро ноҳукумат ташкилотларга доир қоидани назарда тулади. Унда белгилаб берилган халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг белгилари, яъни давлатдан ажратилганлик, хусусийлик, нотижорий йўналиш барча нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларга тегишли хусусиятлар саналади¹⁴.

Ўз навбатида БМТ котибиятининг Жамоат ахборот департаменти ноҳукумат ташкилотга маҳаллий, давлат ёки халқаро даражада ташкил этилган ҳар қандай фуқароларнинг нотижорат иттифоқи сифатида таъриф берган. Бунда миллий қонунчилиқда ҳар қандай шахс учун ноҳукумат ташкилоттага атъо бўлиш учун чекловлар бўлmasлиги кераклиги кўрсатилган.

Шуни таъкидлаша керакки, Европа кенгаши Вазирлар қўмитаси қарорига мувофиқ 2003 йил-

нинг 16 апрелида қабул қилинган «Европада ноҳукумат ташкилотлар мақомининг асосий принциплари»дан соҳага доир миллий қонунчиликни таомиллаштиришда кенг фойдаланилади.

Мазкур ҳужжатда ННТнинг ташкил қилиниши ва фаолиятининг асосий принциплари қайд этилган. Булар:

- ихтиёрий таъсис этиш принципи – ННТ хусусий шахслар ёки шахслар гуруҳининг эркин иродаси, ташаббуси билан ташкил этилиши, унга аъзолик мажбурий бўлмаслигини англатади;

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 10-моддасида ўз ифодасини топган фикр билдириш эркинлиги ҳуқуқи принципи;

- субъект сифатида бошқа юридик шахслар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги принципи;

- қонун үстворлиги принципи ва ННТга нисбатан ҳар қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик) мустақил, холис ва тўла юрисдикцияга эга бўлган судда кўриб чиқилиши принципи.

Халқаро тажриба ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган ёндашувлардан келиб чиқсан ҳолда шуни қайд этиш зарурки, миллий қонунчилиқда белгилаб берилган нодавлат нотижорат ташкилотлар тушунчаси ва унинг моҳияти халқаро тажрибада кўлланадиган «ноҳукумат ташкилотлар», «учинчи сектор» каби тушунчаларни ўзида мужассамлаштиради.

Шу билан бирга, миллий қонунчилиқда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ҳам конституциявий даражада мустақамланганини кўрсатиб ўтиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор

⁹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда.

¹⁰Dupuy, K., Ron, J. and Prakash, A., 2016. Hands off my regime! Governments' restrictions on foreign aid to non-governmental organizations in poor and middle-income countries. World Development, 84, pp.299-311.

¹¹Lewis, D., Non-governmental organizations, definition and history. International encyclopedia of civil society, 2010. pp.1056-1062.

¹²Овсепян В. В. Проблема классификации НПО // Вестник РУДН. Сер. Политология. 2016. № 2. – С. 17-21.

¹³Cohen, S. A model of its own? State-NGO relations in France. 2004

¹⁴Joachim, J., Non-governmental organizations and decision making in the United Nations. The Ashgate Research Companion to Non-State Actors, 2016. pp. 303-314.



шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл кўйилмайди» деган норма қатъий мустаҳкамланган.

Ушбу конституциявий қоида «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кенгроқ баён қилинган бўлиб, унга кўра нодавлат нотижорат ташкилотларнинг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, Асосий қонунда жамоат бирлашмаларига аъзолик ихтиёрийлик принципига асосланиси белгиланмаган, мазкур принцип факат касаба уюшмасига аъзолик масаласида баён қилинган (59-мода). Бизнингча, бундай муҳим принципни конституциявий норма даражасида мустаҳкамлаш талаб қилинади.

Мазкур нуқтаи назар янги таҳтирида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида «палатага аъзолик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурийдир» деган норма ҳамда Президентнинг 2018 йил 26 апрелдаги 3680-қароридаги «2018 йил 1 июлдан барча фермер ва деҳқон хўжаликларининг кенгашга аъзолиги мажбурий, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий ҳисобланади»¹⁵ деган қоида атрофида баҳс-мунозалар юзага келгани боис ҳам долзарб саналади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳукуқий табиати унинг тушунчаси ва ташкил қилиш принципидан келиб чиқади. Унга кўра, нодавлат ташкилотнинг таъсисчиси давлат эмас, балки мустақил субъектлар саналиб, ушбу субъектлар давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлмайди.

Мисол учун, нодавлат ташкилотларни инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, хусусан, омбудсман билан солиширидан диган бўлсак, уларнинг мақсадлари муштарақдек туюлади. Лекин улар ўз фаолиятини умуман бошқа ҳукуқий табиатга асосланган функциялар асосида амалга оширадилар.

Халқаро тажриба таҳлили ва олимларнинг нуқтаи назаридан келиб чиқиб, куйдагилар таклиф қилинади:

Биринчи, Ўзбекистон қонунчилигида халқаро тажрибада кенг фойдаланилайдиган «ноҳукумат ташкилотлар», «нотижорат ташкилотлар» тушунчаси мавжуд эмас. Миллий қонунчиликда «нодавлат нотижорат ташкилотлар» тушунчасига устуворлик берилган. Халқаро ҳукуқий хужжатлар ва ривожланган давлатлар тажрибасида «ноҳукумат ташкилот» тушунчасига ургу берилиши ва айнан ушбу тушунча орқали фуқаролик жамияти институтларидан бирини назарда тутиш амалиёти мавжуд. Ушбу тушунчани ифодалашда қўлланадиган ёндашув турли давлатларда турлича бўлса-да, лекин миллий ҳукуқий амалиётдан келиб чиқиб «ноҳукумат нотижорат ташкилотлар» тушунчасини қонунчилиқда белгилаш лозим.

Бизнингча, «Ноҳукумат нотижорат ташкилот - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўргасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот» деган таърифи илгари суриш максадга мувофиқ.

Иккинчи, Конституцияга жамоат бирлашмаларига аъзоликнинг ихтиёрийлигига оид конституциявий нормани киритиш керак.

Учинчи, миллий қонунчилиқда юридик шахслар ташаббускор сифатида иштирок этиши мумкинлигига оид масала очиқ қолган бўлиб, ушбу ҳолат халқаро ҳукуқ нормаларида ноҳукумат ташкилотлар тузиш бўйича белгилаб берилган қоидаларга ҳам зид саналади. Шу боис қонунчилиқда юридик шахсларнинг ноҳукумат нотижорат ташкилот тузишида ташаббускор бўлиш ҳукуқини мустаҳкамлаш зарур.

Тўртинчи, халқаро тажриба ва доктринал қарашлардан келиб чиқдан ҳолда ННТларни фаолият соҳаси ва худудийлигига қараб худудий нодавлат нотижорат ташкилот, республика нодавлат нотижорат ташкилоти, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотга ажратиш лозим.

Бекзод НАРИМАНОВ,

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

¹⁵ Қонун ҳуққатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2018 й., 07/18/3680/1110-сон.

Қонунчиликдаги
сүнгги янгиликлар

Янги қонун
хўжжатларига
тушуниришлар


Расмий манба



ХУҚУҚИЙ АҲБОРОТ

ТЕЛЕГРАМ-КАНАЛИ

t.me/huquqiyaxborot



Аҳборотни расмий ва ишончли манбадан олинг!

Аҳборот кўплиги ва хилма-хиллиги замонида Адлия вазирлигининг
[@huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot) канали тўғри, аниқ ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

- ❖ ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – <https://t.me/huquqiyaxborot>
- ❖ ўзбек тилида (лотин алифбосида) – https://t.me/huquqiyaxborot_latin
- ❖ рус тилида – <https://t.me/pravoinf>
- ❖ инглиз тилида – <https://t.me/leginf>

Получайте информацию из официального и надежного источника!

В эпоху изобилия и разнообразия информации канал [@huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot) Министерства юстиции является одним из достоверных, точных и надежных источников.

- ❖ на узбекском языке (кириллица) – <https://t.me/huquqiyaxborot>
- ❖ на узбекском языке (латиница) – https://t.me/huquqiyaxborot_latin
- ❖ на русском языке – <https://t.me/pravoinf>
- ❖ на английском языке – <https://t.me/leginf>



Судлар фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тушунча – мазмун – нисбат

Маълумки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи ҳисобланади. Шундай экан, суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш, суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Суд фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги, суд муҳокамасининг ошкоралигини таъминлаш суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шаклларининг муҳим таркибий қисмларидан бири саналиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда процесс иштирокчилари ҳуқуқларини рўёбга чиқариша муҳим юридик кафолат вазифасини ўтайди. Судда иш кўришнинг ошкоралиги тамоилии суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлади¹.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasida таъқидлаганидек, «...Демократик ислоҳотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундумоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади. Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак. ...Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт»².

¹ Масадидиков М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир Ю.Ф. проф. О. Оқулов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – 67–68–6.

² «Конституция ва қонун устувлориги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир». Президент Шавкат Мирзиёевиннинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasasi // <https://uz.az/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-i-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>.

³ <http://uz.az/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни // <https://www.lex.uz/acts/68532>.

Шунингдек, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқида ҳам жамиятимиз ҳаётининг барча жабхаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик тамоилиларини чуқур қарор топтириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича бошлаган ишларимиз ортга қайтмас тус олганини яна бир бор қайд этди³.

Таъқидлаш жоиз, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши кафолатланиши билан бир қаторда ишларни ёпик мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган. Мазкур конституциявий норма мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида ривожлантирилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни 7-моддасига кўра, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпик мажлисда кўриб чиқишига фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши назарда тутилган⁴. Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида эса барча судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўт-



казилиши, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллукли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошка ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши, ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан кўриқланадиган бошка сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилиши ҳақидаги нормалар белгиланганд⁵.

Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддасида ҳам иқтисодий судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилиши, давлат сирини, тижорат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошка сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида эшлишига йўл қўйилиши белгиланганд⁶.

Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасида барча судларда, давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилади-

“

Ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сони камайишига ҳам ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича қарори ёки ҳукм чиқарганилиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашга ундейди.

ган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилиши ҳақидаги қоидалар назарда тутилган⁷.

Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолияти-

нинг ҳалқ назоратига олиннишини таъминлайди ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, суд мажлисида оммавий ахборот воситаларининг иштироки туфайли суд ишларини кўришда жамоатчилик томонидан олиб бориладиган назорат таъминланади. Судлар фаолиятининг очиқлиги орқали фуқаролик ишлари материалларини оммавий ахборот воситалари, хусусан газета, журнallarda чоп этиши, радио, телевидениеда эшиттириш ва намойиш этиш, ишларни зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларининг иштирокида, сайдер суд мажлисларида кўриш имконияти яратилади.

Дарҳақиқат, суд фаолиятининг очиқлиги, суднинг айrim тоифадаги ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларнинг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ва муҳим талабларидан десак, муболага бўлмайди. Иш кўришнинг ошкоралиги, унинг ҳамма учун очиқ ва шаффоғлиги, суд қарорларининг эса қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошка материаллар билан танишиб чиқиши имкониятини яратиб бериши лозим» деган нормани кафолатлашга хизмат қиласи. Қолаверса, суд қарорининг қонуний, асослива адолатли бўлиши кўп жиҳатдан суд процессларининг очиқлиги, ҳар қандай шахснинг суд қарори билан танишиш имкониятига эга бўлишига кўпроқ боғлиқдир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонуни 7-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган

⁵Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>.

⁶Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3523891>.

⁷Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>.

қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши имкониятини яратиб беришга мажбурлиги, ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланиши ҳақидаги нормалар белгилаб қўйилган⁸.

Бинобарин, ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сони камайишига ҳам ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашга ундаиди. Чунки улар томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учраши мумкин. Судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қиласди.

Юридик адабиётларда судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффоғлиги ва транспарентлиги тушунчаси билан бир қаторда судда иш юритишнинг ошкоралиги каби тушунчалар қўлланилиб келинади. Масалан, А.К. Горбузанинг фикрича, «очиқлик» атамаси бир томондан, аксарият ҳолатларда суд қарорларига нисбатан қўлланилса, иккинчи томондан давлат органи сифатида судлар фаолиятига нисбатан қўлланилади, «ошкоралик» атамаси эса суд процессига нисбатан қўлланилади⁹.

В.И. Анишинанинг таъкидлашича, транспарентлик тамоилининг тушунчаси кўпмаъноли бўлиб, ушбу тамойил доирасида қўлланиладиган «очиқлик», «ошкоралик», «шаффоғлик» каби терминлар ўз аҳамиятига кўра бир-бирлари билан жуда яқин, лекин айнан эмас. Уларнинг ҳар бири суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолиятининг айрим жиҳатлари билан боф-

лиқдир¹⁰. Е.Г. Фоменко эса «ошкоралик» очиқликнинг таркиби қисми эканлигини, транспарентлик эса очиқлик ва ошкораликни ҳам ўзида қамраб олувчи нисбатан кенгроқ тушунча эканлигини таъкидлайди¹¹. Ҳукуқшунос олим Д.Ю. Хабибулаев ҳам ўз тадқиқотларида суд муҳокамасининг ошкоралиги, бир томондан, суд иш юритувининг демократикини белгиси бўлса, иккинчи томондан, судда конституциявий тамоилларга риоя этилиши устидан ахолининг назорат усули эканлигини уқтиради¹².

Бизнинг фикримизча, «ошкоралик» атамаси ишни судда кўришнинг муҳим принципи сифатида мамлакатимизнинг деярли барча процессуал кодексларида (ЖПК, ФПК, ИПК ва МСИЮТК) мустаҳкамланган бўлиб, ушбу принципга судда иш юритишнинг конституциявий принципи сифатида қараш лозим. Шу маънода «ошкоралик» атамаси ишни судда кўришнинг принципи сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Очиқлик эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида мустаҳкамланган ҳар кимнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишга бўлган конституциявий ҳукуқини таъминлашга хизмат қиласиб, бир вақтнинг ўзида фуқаро ва ташкилотларнинг суд ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ маълумотларни олиш жараёнини ўзида қамраб олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судиplenумининг 2020 йил 21 февралдаги «Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳукуқини таъминлаш тўғрисида»ги қарори номланишидан юқоридаги икки тушунча, яъни суд муҳокамасининг ошкоралиги ҳамда судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳукуқини таъминлаш масалалари алоҳида ажратилганлигини кўриш мумкин. Бироқ мазкур қарор билан берилган тушунтиришларда ушбу икки тушунча, яъни суд муҳокамасининг ошкоралиги билан судлар фао-

⁸Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-мода; 2001 й., 1-2-сон, 23-мода; 2015 й., 52-сон, 645-мода.

⁹Горбуз А.К. Доступность судебного решения // Российская юстиция. 2001. № 1. - С. 36.

¹⁰Анишина В.И. Принцип гласности, открытости и транспарентности судебной власти: проблемы теории и практики реализации // Мировой судья. 2006. № 11. - С. 21.

¹¹Фоменко Е.Г. Принцип публичности гражданского процесса: истоки и современность. Автореф. дис. на соискание уч. ст. канд. юр. наук. – Томск, 2006.

¹²Хабибулаев Д.Ю. Фуқаролик процессусал ҳукуқининг конституциявий тамоиллари. Ўқув қўллана // Ш.Ш.Шораҳметов таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. -65-б.; Хабибулаев Д.Ю. Фуқаролик процессусал ҳукуқининг тамоиллари ва уларни суд амалийидаги татбиқ этиши муммомлари. Юрид. фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. -18-б.



лиятининг очиқлиги масаласи ўртасидаги нисбат аниқ белгилаб берилмаган. Буни ушбу қарорнинг 1-бандида берилган тушунтиришдан ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда хукукий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончни оширишнинг самарали воситаси ҳи-

собланади¹³. Бизнинг фикримизча, мазкур қарорда суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш хукуқини таъминлаш масалаларига алоҳида-алоҳида тушунтириш бериб ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда судлар фаолиятининг очиқлиги, унинг шакллари нималарда намоён бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Суд-хукуқ тизимини янада тақомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонида ўз ифодасини топган.

Хусусан, ушбу ҳужжатда суд ҳокимияти очиқлигининг қуидаги шакллари назарда тутилди:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;
- қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириш амалиётини жорий этиш;
- судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинклар ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти таҳлилини ҳар чоракда эълон қилиш¹⁴.

Кўриб турганимиздек, суд ҳокимиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш хукуқини таъминлаш ўз мазмун-моҳияти билан суд муҳокамасининг ошкоралигидан фарқ қилмоқда. Аммо айрим хукуқшунос олимлар ва амалиётчи мутахассислар бу икки тушунчанинг ўзига хос белгилари ва жиҳатларига кўпинча эътибор бермайдилар, уларни бир-биридан фарқламайдилар. Масалан, С.В. Потапенко очиқ суд мажлисида иштирок этиш, яъни судда иш кўришнинг ошкоралигини суд-

лар фаолияти ҳақидаги маълумотларга кириш ва уларга эга бўлишнинг воситаси сифатида кўрсатади¹⁵. Шунингдек, тадқиқотчи оммавий ахборот воситаларидан судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш (эълон қилиш); интернет тармоғига маълумотларни жойлаштириш; маълумотларни судлар биноларига жойлаштириш; архив фондлари маълумотлари билан танишиш; сўров бўйича маълумот беришни ҳам судлар фаолияти ҳақидаги маълумотларга кириш ва уларга эга бўлишнинг воситаси деб эътироф этади.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуминин 2020 йил 21 февралдаги «Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш хукуқини таъминлаш тўғрисида»ги 4-қарори // <https://Lex.uz/docs/4751577>

¹⁴ Конути ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

¹⁵ Потапенко С.В. Значение открытости и гласности судопроизводства для повышения уровня доверия к судебной власти // Актуальные проблемы развития гражданского законодательства на современном этапе: сб. науч. ст. по материалам Всерос. науч.-практ. конф., 28 февраля 2014 г. / ред. кол.: А.В. Герасимов и др. - Краснодар, Краснодарский ун-т МВД России, 2014. - С. 24-30.

Бизнинг фикримизча, ошкоралик суд ҳокимиятининг очиқлигидан фарқ қилиб, конституциявий принцип сифатида судда ишларнинг очиқ қўрилишини таъминлаш баробарида суд томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний ва асосли эканлигини таъминлашга хизмат қилади. Бинобарин, фуқаролик процессыал ҳуқуқида суд мұхокамасининг ошкоралиги принципи ушбу ҳуқуқ соҳасининг бир вақтнинг ўзида суд тузилиши ва суд процессини белгилаб берадиган ташкилий-функционал принципларига кириши¹⁶ ҳам фикримизни тасдиқлади.

К.Ф. Гуценко тўғри таъкидлаганидек, ошкоралик тамойилнинг моҳияти – процесс иштирокчилари бўлмаган барча фуқароларга судда иштирок этиш имкониятини беришдир. Бу, назарий жиҳатдан, одил судлов демократиясига ёрдам бериши керак; фуқароларга суд жараёни бўлиб ўтадиган бинода бўлиш имкониятининг берилиши – одил судлов устидан ҳали, назоратининг ўзига хос тури бўлиб, судни интизомга чакиради, юзага келадиган муаммоларни мазмунан ҳал қилиш масаласига янада масъулиятли муносабатда бўлишга мажбур қилади, судда содир бўлаётган барча нарса максимал даражада ишончли ва асосли бўлишига қайғуради¹⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, судда иш қўришнинг ошкоралиги замирада фуқаролар ва ташкилотлар бир қатор процессыал ҳуқуқларга эга бўлишлари, лекин ушбу ҳуқуқлардан фойдаланувчи шахсларни иккى тоифага ажратиш лозимлиги ҳақида хуносага келиш мумкин,

Биринчи тоифа – ишда иштирок этувчи шахслар бўлиб, ушбу шахслар куйидаги ҳуқуқлардан фойдаланадилар: биринчидан, суд мұхокамасида иштирок этиш; иккинчидан, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларни электрон ёки хужжатлаштирилган шаклда олиш (қабул қилиш); учинчидан, қонунда белгилangan тартибда ва шаклда суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувины амалга ошириш; тўртинчидан, суд мажлисида аудио ва видеоёзувларни намойиш қилиш жараёнида иштирок этиш; бешинчидан, суд мажлислиари ОАВда трансляция қилинишига розилик бериш; олтинчидан, суд мажлисингин аудио ёки видеоёзуви билан танишиш, еттинчидан, суд мажлисингин аудио ёки видеоёзувлари кўчирма нусхасини олиш ҳуқуқи.

Иккинчи тоифадаги шахсларга суд мажлисида ҳозир бўлган шахсларни киритиш мумкин ва ушбу шахслар куйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади: биринчидан, суд мұхокамасида иштирок этиш; иккинчидан, суднинг ҳал қилув қарори, ҳуқми ўқиб эшиттирилиши жараёнида иштирок этиш.

Кўриб турганимиздек, иш кўришнинг ошкоралигидан фарқли ўлароқ суд ҳокимиятининг очиқлиги, биринчи навбатда, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишни таъминлайди, интернет сайтлари орқали суд фаолиятига доир маълумотларнинг тарқатилиши эса суд тизимишнинг ахборот маконини яратиш ва судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш имконини яратади¹⁸.

Хулоса ўрнида айтиш керак, юқорида келтирилган очиқлик, шаффоффлик, транспарентлик, судда иш юритишнинг ошкоралиги каби тушунчаларининг ўзаро нисбати ва ўхшаш жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, ушбу атамалардан фойдаланишда қулайлик яратиш учун улардан баъзиларини муюмалада қолдириш ва минимал даражагача қисқартириш лозим. Ҳусусан, ҷалғимаслик, ҳар бир атамани ўз жойида ишлатиш, фойдаланишда қулайлик яратиш ҳамда атамаларни моҳиятан тўғри қўллаш мақсадида ошкоралик атамасини суд мұхокамасига нисбатан, очиқлик атамасини эса давлат органи сифатида суд ҳокимиятининг фаолиятига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Эркин САБИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси мустақил изланувчisi

¹⁶ Қаранг: Мамасидиков М.М., Ёдгоров X.Б., Давлетов ў.М. Фуқаролик процессыал ҳуқуқи. Умуний қисм / Дарслик. Масъул мұхаррир Ю.Ф., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент: ХТИ нашириёти. 2018. – 55–6.

¹⁷ Гуценко К.Ф. Правоохранительные органы: учебник. -2-е изд., испр. и перераб. –М.: КНОРУС, 2013. – С. 98.

¹⁸ Подников М.Л. Практическая реализация принципа открытости правосудия в Российской Федерации. СПб.: Институт проблем правоприменения при Европейском университете в Санкт-Петербурге, 2013. С.2.



Суд орқалими ёки судсиз?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги баён қилинган. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши кўрсатиб ўтилган.



Томонлар ўртасидаги никоҳ ихтиёрий асосда қурилган бўлса-да, ҳар доим ҳам муваффақиятли давом этмаслиги мумкин. Оилани мажбўрий сақлаб туришга эса ҳеч қайси томон ҳақли эмас.

Шундан сўнг томонларнинг ажрим ишлари бошланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари ёки фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Никоҳни бекор қилиш бўйича ФҲДЁ органларига мурожаат қилиш имкониятининг мавжудлиги томонларнинг судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқини чекламайди.

Аммо 2018 йилдан бошлаб низоларни ҳал этишининг муборил усули сифатида Ўзбекистон қонунчилигига мутлақо янги – медиация тизими кириб келди. 2018 йил 3 июля «Медиация

тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Қонуннинг 4-моддасида таъкидланишича, медиация – келиб чиқсан низозни тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули ҳисобланади ва маҳсус мутахассислар – медиаторлар томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг 3-моддасига кўра, мазкур қонун фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларга, якка меҳнат низоларига ва оиласвий низоларга медиацияни кўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Қонуннинг амал қилиши медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.





Оилавий медиация – медиация турларидан бири ҳисобланади. Бүгүнги кунда ривожланган Европа давлатлари, шунингдек, МДҲ давлатлари, хусусан Россия Федерациясида ҳам көнг тарқалган.

Оилавий медиация тарихига назар ташлайдыган бўлсак, Фарб давлатларида мазкур институт анча йиллар олдин кенг тарқалганлигини кўришимиз мумкин.

Буюк Британия Молиявий масалалар кўмитаси оилавий медиацийни жорий этиш ва шу орқали оилавий низолар бўйича судларни тугатиш ҳақидаги таклифни ўтган асрнинг 70-йилларида ёқ илгари сурған эди. Аммо ҳукумат бунга ўз вақтида эътибор қаратмади. 1978 йилда Бристол шаҳрида бир неча кўнгиллилар мустақил яраштирув хизматини ташкил этишади. 1981 йилда эса Миллий оилавий яраштирув хизмати (National Family Conciliation Council, NFCC) ташкил топди. Кейинчалик мазкур кенгаш Миллий оилавий медиация маркази (National Family Mediation, NFM) номини олди.

1996 йилда қабул қилинган оила ҳукуки тўғрисидаги конунда медиация институти оилавий низоларни ҳал этиши бўйича пулли юридик хизмат сифатида расман ўз ифодасини топган.

Британия қонунчилигига кўра, медиатор бўлиш учун ёш цензи белгиланмаган. Яъни Ўзбекистон қонунчилигидаги каби шахснинг йигирма беш ўшга тўлган бўлиши талаб этилмайди. Медиатор аккредитациядан ўтган ташкилотда бир неча ойни ташкил этувчи 8 та фандан иборат ўкув курсини тамомлаган бўлиши керак. Курсни муваффақиятли тамомлаган медиаторга касбий амалиёт бўйича маслаҳатчи тайинланади. Янги медиатор ўз маслаҳатчиси томонидан кўрилаётган ишларда шерик сифатида иштирок этади ва ундан ҳар йили 4 соатдан кам бўлмаган муддат дарс

олади. 10 соатлик ко-медиаторлик фаолиятидан сўнг медиатор мустақил фаолиятни амалга ошириши ва ўз портфолиосини медиаторлик ишлари билан тўлдириш устида иш олиб бориши лозим. Портфолиони тўлдириш, одатда, икки йил вақтни ўз ичига олади. Шундан сўнг у ўз соҳасига тааллуқли медиаторлар асоциациясига аъзо бўлиш ҳукуқини кўлга киритади.

Оила медиатори бўлиши учун камида уч йиллик иш тажрибаси ва бу давр мобайнида кўрилган ишларнинг 50 фоизи оилавий низоларга тааллуқли бўлиши талаб этилади. Шунингдек, оилавий низолар медиацияси бўйича беш модулли ўкув курсидан ўтган бўлиш шарт¹.

Британия оилавий медиация институтининг яна бир ҳусусияти оила ишлари бўйича судларда мазкур соҳага ихтисослашган штатдаги профессионал медиаторларнинг фаолият олиб боришидир. Томонлар нижохни бекор қилиш бўйича судга даъво тақдим қилишганидан сўнг ҳам медиаторрга мурожаат қилиш ҳукуқига эга бўлади. Яна бир эътиборли жиҳат – низо медиацияда кўриб чиқилмасидан аввал суд томонидан иш кўриб чиқишига қабул қилинмаслигидир².



National Family Mediation


¹ Train to become a family mediator// Family mediators association URL: <https://thefma.co.uk/conference-and-training/train-to-become-a-mediator/>
² Aubrey-Johnson K., Curtis H. Making mediation work for you. London, 2012. Р. 16.

Шундай қилиб, 1960-йилдарда бошланған ажрашишлар, мулкін бўлиш ва болаларга васий ёки тарбиячи тайинлаш бўйича низолар сонининг кўпайиши, судларда иш ҳажми-нинг ортиши, молиявий қўйинчиликлар Британияда оиласвий медиация институтининг юзага келиши ва ривожланишига турткі бўлди. Бугунги кунга келиб оиласвий низоларнинг 49 фоизи медиаторлар томонидан ҳал этилмоқда.

Америка Қўшма Штатларида ҳам медиация институти дастлаб оила ҳукуқига нисбатан татбиқ этилган. 1981 йилда штатлар орасида биринчи бўлиб Калифорния қонунчилигига медиация болаларга васийлик ва улар билан муносабатларни белгилашнинг процессын шакли сифатида эътироф этилди.

1990 йилда АҚШ Конгресси фуқаролик судлари иш юритувини ислоҳ қилиш бўйича қонун қабул қилди. Қонун ижросини таъминлаш учун штатларнинг процессын кодекслагрига медиация институтини низоларни кўриб чиқишининг дастлабки шакли сифатида тан олувчи нормалар киритилди ва судлар томонидан амалиётга кенг жорий этилди.

Мазкур қонда 1998 йилда Низоларни ҳал этишининг муқобил шакллари тўғрисидаги қонун билан (Alternative



Dispute Resolution Act) янада мустаҳкамланди. 2001 йилда эса Медиация тўғрисида ягона шаклдаги қонун (The Uniform Mediation Act) қабул қилиниб, суд жараёнининг исталган босқичида томонлар низоларни ҳал этишининг муқобил усуллига мурожаат этишлари мумкинлиги белгиланди.

Австралияning 1997 йилда қабул қилинган «Медиация тўғрисида»ги қонунда оиласвий низолар бўйича ишларни ҳал этишда медиация муқобил усул сифатида эмас, балки бирламчи усул сифатида келтирилган. Бунинг натижаси ўлароқ оиласвий низоларнинг 95 фоизи судгача бўлган босқичда ҳал этилади³.

Германия, Италия, Испания каби давлатлар қонунчилиги, ҳукуқни қўллаш ва суд амалиётида ҳам оиласвий низоларни ҳал этишда медиаторлар хизматидан кенг фойдаланилади.

Қозогистон Республикасининг 2011 йил 28 январда қабул

қилинган «Медиация тўғрисида»ги қонунiga кўра, оила масалалари бўйича медиация орқали никоҳни давом этитириш билан боғлиқ келишмовчиликлар, ота-она ҳукуқларини амалга ошириш, болаларнинг яшаш жойини белгилаш, уларнинг таъминоти каби оиласвий муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган низолар ҳал қилиниши мумкин. Медиация давомида медиатор боланинг қонуний манфаатларини ҳисобга олиши керак.

Халқаро даражада, давлатлар ўртасида ҳам оиласвий медиацияга оид ҳужжатлар қабул қилинган. Мана шундай халқаро ҳужжатлардан бири Европа кенгаши Вазирлар кўмитасининг 1998 йил 2 январдаги «Оиласвий масалаларда медиация бўйича R (98) 1-тавсиялари» ҳисобланади. Мазкур ҳужжат медиация институтини амалга ошириш бўйича тавсиявий қўлланма ҳисобланади⁴.

³ Альтернативные механизмы разрешения споров Обзор зарубежного опыта. Ташкент – 2017. Стр. 58

⁴ Европа кенгаши Вазирлар кўмитасининг 1998 йил 2 январдаги «Оиласвий масалаларда медиация бўйича R (98) 1-тавсиялари». <https://mediation-eurasia.pro/mezhdunarodnye-dokumenty/rekomendacija-r-981-komiteta-ministrov-sovetov-evropy-2-janvarja-1998-g>



**Оилавий медиация бўйича хориж тажрибаси,
ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ва миллий қонунчилик
ўрганилган ҳолда қўйидаги ҳолосаларга келинди:**

- оилавий медиация нафақат никоҳни бекор қилиш, балки васий ёки ҳомийни тайинлаш, ота-оналарнинг бола таъминотидаги улуши ва уларни ким тарбия қилиши каби масалаларга ҳам ечим бера олади;
- оилавий медиация узок вақт талаб этиладиган фуқаролик суд ишларининг қисқариши ва ишларнинг судгача бўлган содда тартибда кўриб чиқилишига йўл очади;
- оилавий низоларни кўриб чиқувчи суд ишларининг камайишига ва бу бўйича судларга тушадиган юкламанинг ҳам камайишига сабаб бўлади;
- судлар томонидан оилавий масалаларни кўриб чиқиш учун сарфланадиган харажат ва вақтнинг қисқаришига олиб келади;
- оилавий медиация институтининг кенг жорий этилиши ярашув институтининг ривожига ҳам хизмат қиласи. Чунки фуқаролик ишлари бўйича судларда бошқа тоифадаги кўплаб ишлар кўрилади, маҳалла фуқаролар йиғинига юзлаб одамлар мурожаат қиласи. Профессионал медиатор эса нафақат уларни ярашириш, муаммоларига ечим топиш бўйича ҳам иш олиб боради, бу унинг касбий мажбурияти ҳисобланади.

Шу билан бирга, оилавий медиацияни Ўзбекистон шароитига жорий этиш учун ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Булар:

Оилавий медиация бўйича мутахассис - профессионал медиаторларнинг йўқлиги. Уларни тайёрлаш механизми мавжуд, бироқ кенг тартиб қилинмаган ва етарлича йўлга кўйилмаган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраширув комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш орқали оилавий медиацияни оммалаштиришни мақсад қилган ва тадқиқот марказида уларни ўқитиш режалаштирилган эди.

Бироқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраширув комиссиялари оилавий медиация марказига айланиши эҳтимоли жуда паст. Бунга сабаб комиссия аъзолари орасида оила қонунчилиги ва медиация тартиб-таомилларидан хабардор бўлган мутахассислар йўқ ҳисоби. Ўйлагимизки, янги ташкил этилган Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институти томонидан оилавий медиация фаолиятини йўлга кўйиш ва бу бўйича профессионал мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур масалада 2019 йил 31 январь куни Аддия вазирининг «Медиаторларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, уларни тайёрлашга фақат ҳуқуқий таълим билан эришиб бўлмайди.

лаш дастурини тасдиқлаш ҳақида»ги 54-мҳ-буйруғи қабул қилиниб, ушбу буйруқ билан медиаторларни тайёрлаш дастури иловага мувофиқ тасдиқланди ва медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича маҳсус ўқув курслари вазирлик қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ташкил этилиши белгиланди. Марказда ташкил этилган медиаторларни тайёрлаш ўқув курси дастури модулида оилавий медиаторларни тайёрлаш ўқув курслари назария ва амалиёт уйғунлиги асосида олиб борилиши белгиланган. Лекин оила медиаторларини тайёрлашниң ўзига хос хусусиятлари бўлиб, уларни тайёрлашга фақат ҳуқуқий таълим билан эришиб бўлмайди.

Оилавий масалалар бўйича медиаторларга кўйиладиган ягона талабларнинг тасдиқланмагани. Юқорида Буюк Британия, Австралия тажрибалари ўрганилганда оилавий масалалар бўйича медиаторлар нафақат ҳукукий, балки социологик ва психолого-логик модуллар бўйича ўқитилиши, уларнинг фаолияти бевосита шахсларнинг ҳәти, психологияни ҳолати билан боғлиқ эканидан келиб чиқиб, тегишли талаблар кўйилганини таъкидлаган эдик. Оилавий медиация кенг тарқалар экан, оила медиаторларига махсус талабларнинг кўйилиши эҳтиёжга айланиб бораверади.

Оилавий медиацияни ташкил этиши ва ўтказиш масалаларига бағишинланган кўлланмалар ва йўриқномаларнинг йўқлиги. Тахлил давомида маълум бўлдики, Европа минтақаси, Канада, Австралия ва АҚШ каби мамлакатларда оилавий масалалар бўйича медиаторлар фаолиятининг ташкилий-ҳукукий ва илмий асослари яратилган. Улар учун алоҳида расмий мақомга эга тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ҳам Маҳалла ва оиласи кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институти ва Адлия вазирлиги қо-

шидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ўзаро ҳамкорликда оилавий медиацияни амалга ошириш бўйича тавсиялар ёки илмий-амалий кўлланма ва йўриқномалар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Оилавий медиация таргиматонинг йўлга кўйилмаганинги. Бу медиациянинг барча соҳаларига тегиши. Гарчи медиация институтидан тадбиркорлик соҳасида фойдаланиш кенг тарқалаётган бўлса-да, оилавий масалаларни ҳал этиши бўйича медиация ҳақида кўпчилик аҳоли хабардор эмас. Юқорида таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари ҳузуридағи яраштирув комиссиялари бу фаолиятни амалга ошириш бўйича марказ вазифасини бажара олмайди. Негаки, оила медиатори нафақат оиласларни яраштириш йўлларини излайди, ўрни келганда ажрим бўйича ишларни ҳам олиб боради, мол-мulkнинг бўлиниши, болалар таъминоти, улар кимнинг кўлида қолиши каби масалалар бўйича мақбул ечим беради.

Оилавий медиация билан шуғулланувчи ихтинослашган махсус марказларнинг мавжуд эмаслиги. 2020 йил 18 сентябрда Адлия вазирлиги томонидан Тошкент медиация маркази давлат

рўйхатидан ўтказилди. Бу каби марказлар барча соҳадаги профессионал медиаторларни бирлаштиради. Илғор хориж тажрибаси эса оилавий медиация марказлари бошқа медиация марказларидан алоҳида фаолияти мақбуллигини кўрсатади. Оилавий медиация институтининг кенг тарқалиши кузатилган тақдирда юртимизда ҳам бу юқори аҳамият касб этиши мумкин. Шу билан бирга уларнинг касбий бирлашмалари – ассоциацияларини тузиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бу каби ассоциациялар улар фаолиятини ташкилий-методик жиҳатдан таъминлашга ёрдам беради.

Оилавий медиация оилавий низоларни ҳал этиши воситаси сифатида на моддий ва на процессуал қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топмагани. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Канада, Австралия каби давлатлар тажрибасига кўра оилавий медиация институти ва уни амалга ошириш тартиби моддий қонун ҳужжатлари (оила ҳукуки бўйича қонун ҳужжатлари) ва процессуал қонун ҳужжатлари (суд ишлари тўғрисидаги қонунлар, процессуал кодекслар)да ўз ифодасини топган. Аммо бизнинг қонунчилигимизда бу ҳали ўз аксини топгани йўқ.

Албатта, медиация институти қонунчилигимизга киритилиб, жорий этилганига кўп вақт бўлмади. Бу бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Ўйлаймизки, жаҳоннинг илғор тажрибасини инобатга олган мазкур институт мамлакатимизда кенг куртак ёяди. Фуқароларимиз ҳам мазкур институтнинг нафақат бизнесда, балки шахсий ҳаётда ҳам катта аҳамиятга эга эканини тушуниб етадилар.

Муборакхон ТОЖИЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими



Илдизи күринмас

иллат

Хозирги замон миллий ва халқаро ҳуқуқида тобора кўп қўлланаётган атамалардан бири коррупциядир. Ўзбекистон давлат бошқаруви соҳасидаги коррупцияни бартараф этиш юзасидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, мамлакатимиз 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь), 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашишнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) кўшилган. Шунингдек, Олий Мажлис 2011 йил 13 декабрда Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гурӯҳи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилган.

Ушбу тадбирларнинг мантикий давоми сифатида 2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши курашиш түғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мухим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги «Қонун хужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари түғрисида»ги 328-қарори билан норматив-хуқуқий хужжатларнинг лойиҳаларида коррупциоген нормалар ўтиб кетишининг олдини олишга қаратилган механизм жорий этилди.



«Transparency International» халқаро коррупцияга қарши ташкилотининг 2018 йилги Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index) Ўзбекистон 23 балл билан 180 давлат орасида 158-йринни эгаллади¹.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам бу борада «Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа хуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноята жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича

қатъий чоралар кўришимиз зарур»² деб таъкидлайди.

Коррупция иқтисод, ҳуқуқшунослик, фалсафа, психология, педагогика каби фанларнинг доимий ва долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши кураш, хусусан, унинг олдини олишда аввало уни вужудга келтирувчи омиллар аниқланиши ҳамда бартараф этилиши лозим.

Совет иттифоки парчалангач, унинг ўрнида вужудга келган давлатлар бозор иқтисодиётiga ўтиши муносабати билан уларда янги коррупцион омиллар вужудга келди. Хусусан, россиялик олим Мария Шедий коррупциянинг сабаблари сифатида қўйидагиларни кўрсатади: иқтисодиётга ҳаддан ортиқ аралашиб, тугалланмаган иқтисодий ислоҳотлар, ортиқча солиқ ва ўйғимлар, давлат ҳокимиятининг заифлиги, давлат назоратининг тартибга солинмагани, қонунларнинг номумкаммалиги³. В. Попов ва В. Умниковлар коррупциянинг иқтисодий, институционал ва ижтимоий сабаблари сифатида давлат идораларининг ёпиқлиги, нокулай ҳисобот тизими, қонун ижодкорлиги тизимида шаффофиқларнинг ўйқлиги, кадрлар сиёсатининг заифлигини кўрсатади⁴. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг Маъмурий ислоҳотлар концепциясида ҳам ижро этувчи ҳокимият органдарни фаолиятининг етарлича

очиқ ва шаффоф эмаслиги коррупция олиб келаётгани кўрсатади ўтилди.

Ш. Қобиловнинг фикрича, давлатнинг руҳсат бериш функцияларининг ҳаддан ташқари кент доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг илдизларидан биридир⁵. Р. Клитгаарднинг таъкидлашича, мансабдорнинг бирор субъектга хизмат кўрсатиш ёки имтиёз беришдаги як-каҳоқимлиги устидан назоратнинг ўйқлиги коррупцион келишувга олиб келиши мумкин⁶. К. Головшинскийнинг айтишича эса давлат бошқарув органдаридан қонуности хужжатларини ишлаб чиқиши жараёнининг тўлиқ назорат қилинмаслиги натижасида қонунчиликда коррупциоген, яъни коррупцияга шароит яратувчи хуқуқий нормалар шаклланади. Бу эса мансабдорлар учун фуқароларни кўрқитиши ва пора олишга шароит яратади⁷.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳаётга давлатнинг императив таъсири коррупция вужудга келиши учун асосий омил бўлмоқда.

Коррупция нафакат ғайрихуқуқ қилмиш, айни вақтда жамият томонидан кескин қораландиган тубан ҳаракат сифатида ҳам баҳоланади. Шу сабабли коррупция барча ҳолларда яширинча амалга оширилади. Давлат бошқаруви соҳасидаги руҳсат бериш, хўжалик фаолиятини текшириш, таъсир

¹ Изоҳ: Коррупцияни қабул қилиш индекси давлат секторида коррупция даражаси 0 дан (энг юқори кўрсаткич) 100 га қадар (энг паст) шкала бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

² Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи <http://www.uz.a.uz>.

³ Шедий М.В. Коррупция как социальное явление: социологический анализ: Дисс. ... докт. соц. наук. – Москва, 2014. – 273 с.

⁴ Попов В.Г., Умников В.Н. Коррупция: основные угрозы и меры противодействия. Монография, М., 2012. С.36.

⁵ Қобилов Ш.Р. Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралар ва ўйлари: Монография. – Т., 26–22–6.

⁶ Klitgaard R. Gifts and Bribes / Zeckhauser R.J (Eds) Strategy and Choice. Cambridge: MIT Press, 1991.

⁷ Головшинский К.И. Диагностика коррупциогенности законодательства /Под ред. А.Сатарова и А.Краснова. – М., 2002. – С.25.



чорасини кўллаш, мурожаатларни кўриб чиқиши каби масалалар барча исталган пайтда танишиб чиқиши мумкин бўлган шаклда амалга оширилиши, шунингдек, рухсат олиш ёки давлат хизматларидан фойдаланишда электрон навбат тизими ва унга қатъий амал қилиш механизмини жорий этиш зарур.

Давлат органига қилинган ҳар қандай мурожаат дарҳол рўйхатта олиниши ва унинг сайтида ўша заҳотиёқ акс этирилиши ҳамда ушбу мурожаатни кўриб чиқиши жараёни баён этиб борилиши керак.

Таҳдиллар қонун ҳужжатларида бир қатор коррупцион омиллар борлигини кўрсатаяпти. Жўмладан, Адлия вазирийнинг 2015 йил 25 декабрдаги «Норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиши услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига биноан органлар томонидан тегишли ҳаракатларни бажариш тартибининг йўқлиги, органнинг ҳаракатлари ва ваколатларининг тартибига солинмагани, ваколатларни бажариш процессусал тартибининг белгиланмагани, бажарилишининг аниқ механизмига эга бўлмаган нормаларнинг мавжудлиги хукуқни тартибига солишдаги бўшликлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-қарори билан тасдиқланган «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқа-



ролар ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида»ги низомда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ва унда жойлашган иморат ва иншоатларни бузиш, дов-дараҳатларни кўчириш асослари ва тартиби белгиланган.

Бироқ мулкни национализация, мусодара ва реквизиция қилиш асослари ҳамда тартиби моҳиятан қонун даражасида тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар тоифасига киради. 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган «Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида ҳам Ўзбекистон қонуналини энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибига солиши назарда тутилган. Шу сабабли мулкни национализация, мусодара ва реквизиция қилиш асослари ва тартиби қонун даражасида белгиланиши зарур. Бу борада В.Эргашев ҳам маҳсус қонун қабул қилиниши лозим деб ҳисоблайди⁸.

Одатда ҳалқаро тажрибага мувофиқ қонун ҳужжатлари нинг коррупцияга қарши экспертизаси икки шаклда, яъни амалдаги қонун ҳужжатларининг ва қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг экспертизаси шаклида амалга оширилади.

Адлия вазирийгининг юқоридаги буйруғида эса қонунлар, парламент қарорлари, Президентнинг фармон, қарор ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, маҳаллий ҳокимиятларининг қарорлари лойиҳалари ҳамда вазирилик, қўмита ва идораларининг норматив ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиши тартиби белгиланган. Амалдаги қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиши амалиёти мавжуд эмас.

Бизнингча, илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, амалдаги норматив-хукукий ҳужжатлар ҳам коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши кепрак.

Амалдаги тартибга кўра норматив-хукукий ҳужжатларни фақат адлия органлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказади. Бироқ коррупцияга қарши кураш умумхалқ иши хисобланади. Шу сабабли норматив-хукукий ҳужжатларининг коррупцион омиллар билан боғлиқ жиҳатларини баҳолашнинг шундай механизми ни жорий этиш лозимки, унга кўра барча фуқаролар ҳужжатнинг коррупцион омиллар билан боғлиқ жиҳатларини баҳолаш ва бу жараён билан танишиш имкониятига эга бўлиши зарур.

⁸ Эргашев В. Фуқаролар хукусий мулк ҳукуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари: Юрид. фан. ном. дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 19–22–6.

Бугунги кунда жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Жамоатчилик назоратининг жаҳонда кенг тарқалган шакллари давлат органларининг фаолиятига оид жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик таҳлили ёки мониторинги, жамоат-

чилик суриштируви, жамоатчилик текшируви, жамоатчилик сўрови, жамоатчилик ташаббуси ҳисобланади.

Шунингдек, мансабдорларнинг ўз лавозимини сунистеъмол қилишига қарши курашувчи органлар билан жамоатчилик назорати субъектларининг ҳамкорлиги кейинги йилларда коррупциянинг олдини олишда энг самарали механизмлардан бирига айланди. Чунки давлат

органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қиливчи, назорат қиливчи органлар коррупцияни мунтазам назорат қилиш имкониятига эга бўлмайди, улар одатда олдиндан тузилган режа ватанлов асосидаги текширувлар, шахсларнинг мурожаатлари орқали ёки ҳуқуқбузарлик аломати сезилгандагина хабардор бўлади, жамоатчилик эса айнан мансабдорлар билан ҳар куни ҳар соатда тўқнаш келади.

Жаҳон мамлакатларида бугунги кунда коррупцияга қарши курашнинг қўйидаги усуслари мавжуд.

Ички назорат – бу усул бошқарув аппаратининг ўзида назоратни кучайтирувчи тузилмалар (ҳар хил ички инспекциялар ва бошқа назорат органлари) яратишни тақозо этади. Бу тузилманинг асосий вазифаси ходимларнинг ички этикет қоидаларига риоя қилишини назорат қилишdir. Юртимиизда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қиливчи бир қатор органларда айнан шу вазифани бажарувчи тузилмалар яратилган.

Ташқи назорат – бу усулда ижро аппаратидан мустақил тузилмалар орқали коррупцияга қарши самарали кураш олиб борилади. Яъни, суд ҳокимиятининг максимал даражада мустақиллигига эришиш, оммавий ахборот воситаларига кўпроқ эркинлик бериш ва ҳоказо.

Сайлов тизими орқали курашиш – демократик давлатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усусларидан бири кейинги сайловда унга овоз бермаслик ҳисобланади. Коррупцияга сайлов орқали таъсир ўтказиш энг самарали усуслидir.

Коррупцияга қарши курашда юқори натижаларга эришган Швеция, Сингапур каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатади, коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш бу курашда муҳим ўрин эгаллайди.

Бунда конституциявий назорат органлари, ҳуқуқтарни ортади. Яъни, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган нормаларни конституциявий назорат органи томонидан





конституцияга зид деб топиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ушбу давлатларни коррупция даражаси жуда паст бўлган давлатлар қаторига олиб чиқсан. Биз кўйида Сингапурда коррупцияга қарши курашда ёўнсанг антимада тўхталиб ўтамиз.

Сингапур 1965 ийли мустақилликка эришганда коррупция ботқогига ботган давлатлар қаторида турар эди. Лекин ушбу иллата қарши ўтказилган бир қатор тадбирлар бу давлатла коррупциянинг минимал даражага тушишига олиб келди. Биринчи навбатда бу ерда бюрократик жараёнлар енгиллаштирилиб, суд тизими-

нинг мустақиллиги оширилди (судьяларнинг даромади ва имтиёзларини ошириш эвазига). Шу билан бирга, коррупция жинояти учун жазолар оғирлаштирилиб, фуқароларга коррупцияга қарши жиноятларни тергов қилишда ҳамкорликдан бош тортгани учун жуда катта молиявий санкциялар белгиланди. Бир қатор давлат идораларида оммавий тозалашлар ўтказилиб, бу жараён телеканаллар орқали бутун мамлакатга намойиш этилди. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг ҳаммаси Сингапурни кисقا мuddатда коррупция даражаси энг паст мамлакатлар қаторига олиб чиқди. Шунингдек, давлат

хизматчисининг ахлоқ стандартларига риоя этишини қаттиқ назорат қилиш ҳам коррупцияга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Коррупцияга қарши кураш ҳақида сўз юритганда, Даниянинг ўзига хос тажрибасига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. 2018 йилда Халқаро очиқлик ташкилоти жаҳоннинг 180 мамлакатини қамраб олган Коррупцияга қарши кураш индексини эълон қилди. Унда Дания жаҳоннинг энг кам коррупциялашган давлати деб топилган. Ўрганиш ўтказиб келинаётган 1995 йилдан бўён бу давлат ушбу рейтингда юқори ўринлардан бинани эгаллади.

Данияда коррупцияга қарши курашишнинг самарали омиллари сифатида қўйидагиларни кўришимиз мумкин:

- мамлакат сўз эркинлиги таъминланган етакчи давлатлардан биридир;
- ҳукумат давлат харажатлари бўйича аҳолига ўз вақтида ва холис ҳисобот беради;
- давлат амалдорларининг ҳалоллиги алоҳида назоратга олинган;
- давлат мансабдорлари ва ҳусусий секторни назорат қуловчи мустақил ва самарали ишлайдиган суд-ҳуқуқ тизими мавжуд;
- ноқонуний бойлик орттириш, пора олиш ва таниш-билиш орқали иш битириш қадимдан уят ҳисобланади, бу анъана ҳануз сакланиб қолган;
- аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти юқори.



Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти ва хавфсизлиги, жамият фарононлиги кўп жиҳатдан унда коррупция қанчалик кенг ёйилганига боғлиқ. Шу сабабли коррупцияга қарши кураш давлат ва жамиятнинг доимий вазифаси бўлиб қолаверади.

Адҳамжон ТАШМУРАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Миллий гвардияси ҳарбий хизматчи



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

МАНБА: ПФ-6013-сон, ПҚ-4761-сон (29.06.2020 й.)

@huquqiyaxborot

АГЕНТЛИК



- ◆ Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **максус ваколатли давлат органи** хисобланади
- ◆ Президентта **бўйсунади** ва Олий Мажлис палаталари олдида хисобдордир
- ◆ Мамлакатда коррупция ҳолатини **тизимли таҳлил қиласи**
- ◆ Вазирлик ва идораларнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини **мувофикалаштиради**
- ◆ Бюджет маблагларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация килиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни **талаф қиласи, олади ва ўрганади**
- ◆ Давлат хизматчиларининг **даромад ва мол-мулкини декларация қилиш** тизими жорий этилиши хамда декларациядаги маълумотларнинг ҳаққонийлигитехниришишини ташкил этади
- ◆ Коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар бўйича **маъмурний суриштирувлар ўтказади**
- ◆ Ижро ҳокимияти ва ҳўжаллик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тұхтатиш ёки бекор қилиш түғрисида **тақдимнома киритади**

Агентлик томонидан чиқарилган
огоҳлантириш, тақдимнома, мурожаатлар

10 КУН ИЧИДА

кўриб чиқилиши ва натижалари бўйича
ахборот берилиши шарт

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони **50 та** штат бирлигидан иборат

10 та штат бирлиги давлат хизматини ривожлантириш агентлигидан

40 та штат бирлиги эса
Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг штат
бирликларидан шаклантирилади

ФАРМОН БИЛАН:



Коррупцияга қарши
курашиш **миллий
кенгаш** ва унинг
худудий кенгашлари
ташкил этилди

давлат ҳокимияти ва бошқаруви
органларининг коррупцияга қарши
курашиш соҳасидаги фаолиятини
мониторинг қилувчи ҳамда баҳоловчи
“E-Anticor.uz” электрон платформаси

коррупция ҳолатлари
ҳақида Агентликни
хабардор қилиш имконини
берувчи **максус мобил
дастурий таъминот**

2020-2021 йилларда барча
давлат ва ҳўжаллик
бошқаруви органларида
коррупцияга қарши ички
назорат тизими жорий
етилади.



Миграция хуқуқи тарихи қадимги Шарқ мамлакатлари мисолида

Миграция хуқуқининг пайдо бўлиши ва шаклланишига оид мақоланинг аввалги қисмida қадимги Юнонистон тарихига мурожаат қилган эдик. Ушбу қисмда қадимги Шарқ мамлакатларида миграция хуқуқининг шаклланиши хусусида сўз боради.

Қадимги Ҳинд. Мауриялар сулоласи асосчи Чандрагуптанинг (мил. ав. 317-297) маслаҳатчиси Каутилья (базъзан Вишнагупта)нинг «Фойдали илм-фан» мъносини англатувчи «Артхашастра» асарида ёзилишича, қишлоққа кириш ёки у ердан чиқиб кетишдан олдин ўша худуд бошқарувчиси томонидан муҳрланган рухсатнома талаб қилинган (1-расм)¹.



1-расм. Каутильянинг «Артхашастра» асари.

Қадимги Ҳиндда чет эллик шахслар асосан икки тоифага бўлинган: патикаслар – зиёратчи сайёхлар ва гопас ёки шаникаслар – ҳукмдор таклифига кўра ташриф буюрган расмий вакиллар (элчилар, савдогарлар). Улар шаҳарнинг муйян мавзесига жойлаштирилиб, тегишли амалдорлар назоратида бўлган.

Шунингдек, чет эл фуқароларининг мамлакат худудига кириши учун рухсат бериш тартиб-таомиллари амалда бўлган. «Артхашастра» қоидаларига мувофиқ, ажнабий сайёхлар мамлакатга киришдан аввал рухсат олишлари шарт ҳисобланган².

Ўша замонлардан бошлаб мамлакатга киришни тақиқлашга доир мисоллар ҳам учрайди. Чет эл фуқароларига шубҳа билан қараш ва уларни ўз худудига киритишин истамаслик умумий тенденцияя айланган. Масалан, Ману қонунларида «душман, бу – сизнинг қўшнингиз» тамойили кенг тарқалган (2-расм).

¹Неру Д. Взгляд на всемирную историю. 1-том. – М., 1981. – С.92.

²Casson L. Travel in the Ancient World. London, 1974. P. 22–28. 46. 28.

³Дхармашастра (санскр. Dharmāśtra, яъни “дхармадаги ўйтитлар”) – қадимги ҳинд диний одоб-алқоқ қоидалари ва қадимги қонунлар. Мидодан аввали VI–V асрларда одат ҳукуки асосида битилган ушбу ёзма ёдгорлик Ману қонунларидан иборат диний алкоқий ва ҳукукий тўплум ҳисобланади.

⁴Morton Glenn R. Foundation, Fall and Flood: A Harmonization of Genesis and Science. – 2nd ed. – Dallas, TX: DMD Pub. Co., 1995. – P.146; Dickson D. Bruce. The Dawn of Belief: Religion in the Upper Paleolithic of Southwestern Europe. – Tucson, AZ: The University of Arizona Press, 1990. – P. 42-43.

⁵Менди – хина билан баданга нақш солиб безаш.



2-расм. Дхармашастра³.
Ману қонунларидан парча.

«Артхашастра»да шахсни тасдиқловчи ёки сафар ҳужжатларига оид маълумотлар етарли эмас. Бироқ айрим манбалар инсон юз қисмийнинг териси остига ранг ўтказиб, турли нақшлар тушириш (татуировка) орқали шахснинг туғилган вақти ва жойи ҳақида маълумотлар акс эттирилган ҳақида гувоҳлик беради⁴.

Ушбу маълумотлар мунозарали. Масалан, қадимги Фракия ёки қадимги Японияда инсон танасига ўтказилган нақшлар шахснинг ижтимоий келиб чиқиши, фарзандлари сони, оиласий аҳволи, меҳнатга лаёқати ва бошқа фуқаролик-ҳукуқий мақоми ҳақида маълумот берган. Бироқ бундай амалиёт қадимги Ҳиндга хос эмас деб ҳисоблаймиз. Чунки азалдан ҳинд тамаддунида «менди»⁵ каби нақшлар урф-одат ва юқсак қадирятга айланган бўлса ҳам айнан шахсни тасдиқлаш сифатида қўлланилмаган. Қолаверса, илк ўрта асрларда баданга чизилган турли нақшлардан охират дунёсига ўтиш учун паспорт сифатида фойдаланилганни Янги Зеландиянинг маҳаллий аҳолиси – маорилар афсонасига тегишили. Тинч океанида жойлашган оролларда истиқомат қиласидиган айрим қабилаларда ҳозир ҳам бу каби одатлар сақланиб қолган.

Қадимги Хитой. Миграция ҳукуқининг асосий субъектлари ҳисобланган чет эллик фуқаролардан давлат кўпинча сиёсий мақсадларда фойдалангани тарихдан маълум. Масалан, қа-




димги Хитойда сиёсий мотивлар бўйича ўз мамлакатини тарк этган шахсларни қабул қиласлик тамоилий бўлган, лекин баъзан бундай қочоқлар жосус сифатида фойдаланиш шарти билан қабул қилинган. Милоддан аввалги 576 йилда Сун подшоҳлигидан Юй-Ши исмли саркарда 200 нафардан зиёд аскари билан Чу подшоҳлигига қочиб келган. У Чу подшоҳлигига уч йил яшагач, милоддан аввалги 573 йилда Сун подшоҳлигини забт қилишга ёрдам берган⁶. Бу каби усуллардан қадимги Мирса ҳам кенг фойдаланилган.

Милоддан аввалги VI-V асрларга келиб, қадимги Хитой тамаддуни фалсафий-хукукты тафаккур маҳсуллари билан янада бойиган. Жумладан, Конфуций таълимоти хукукнинг асосий манбаларидан бирига айланган.

Шаркий Оснёнинг энг машхур тарихий хужжатларидан Лунь Юй⁷ конфуцийликнинг миграция хукуқига доир бир неча қарашларини ўзида акс эттирган. Масалан, душман ҳарбий асирилигидан қочиб келган ёки давлат манфаатлари йўлида чекка ҳудудларга мажбурий қўчирилганлар мамлакат тараққётига хисса қўшган шахслар билан бир қаторда қадрланган. Айниқса, бирор ҳудудни ривожлантириш учун қўчирилганлар масофага қараб 1000 ли⁸ учун 3 йил, 500 ли учун 2 йил ва 300 ли учун 1 йил давомида турли солиқлардан озод этилган (3-расм).

Эркин ҳаракатланиш учун сафар ҳужжатла-ри қадимги Хитойда ҳам ўзига хос тарзда шаклланган. Милоддан аввалиг 206 ва милодий 220 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган Хан им-перияси давридағे паспорт «Осмон ости ўлка-си» расмиятчилегининг мухим таркибий қисми-га айланған. Хитой паспорти дастлаб «ташириф қоғози» деб юритилиб, унда шахснинг исми, ёши, бўйи, танасининг ҳусусияти, лавозими каби маъ-лумотлар кўрсатилган. Ёғоч ва бамбуқдан ясалган бундай тахтачаларни амалдорлар салтанати ҳудудида ҳаракатланиш ҳамда назорат пунктла-ридан ўтишда ўзлари билан олиб юришга маж-бур бўлган. Тахтачадаги маълумотлар шахе лаё-қатини белгилашга хизмат қилган. Кейинчалик



З-расм. Лунь Юй

«Сұхбат ва мұлоқазалар»дан парча⁹.

бир ёшдан ўтган болалар ҳам бу каби паспорта эга бўлиши талаб қилинган. Шахс вафот этганида ҳам паспортида исми ва мақоми кўрсатилиган ҳолда кўмилган.

Қадимги Марқазий Осиё. Қадимғи Шарқ-ни күчманды ақолининг эркин миграциясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга қарамай, агар жамоавий кўчишлар иктиносидӣ зарар келтирадиган бўлса, уларни яшаш жойларига мажбурий тарзда қайтариш чоралари кўрилган. Масалан, қадимги Парфияда озод ер эгалари жамоаси аъзолари расман эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, амалда давлатнинг агарар сиёсати ўз ерини ташлаб бошқа жойга кўчиб кетгани ёки ердан унумли фойдаланмагани учун жарима соилишина тақозо этган. Жариманинг ярми шоҳ газ-насига, ярми эса ўша ер эгалари жамоасига ўтка-зилган.


Марказий Осиё мамлакатлари муйян муддат Аҳамонийлар сулоласининг таъсирида бўлгани туфайли уларнинг айрим одат хуқуqlари маҳаллий халқ турмуш тарзига ҳам сингиб кетганини кўриш мумкин. Масалан, Форс давлати асосчиси Кир II Бобил устидан қозонган ғалабасидан кейин, яъни милоддан аввалги 539 йилда тариҳдаги инсон хуқуқига алоқадор илк ҳужжат «Уммажаҳон эркинлиги ва кўчирилган халқларнинг

⁶ Les mémoires historiques de Se-Ma Ts'ien. Traduits et annotés par Édouard Chavannes. Tome quatrième. Première édition. – Paris: Ernest Leroux, 1901. – P.167. (468 pages)

⁷ Лұнymbаев Ю. – Конфуций шогирдлари томонидан түзилған, устоз ва шогирд сұхбатлари, мұлоқазалар, панд-насиҳат ва ўғитлар, фалсафий ва ҳуқуқиң қараашлардан иборат бұлған конфуцийликнинг асосий китобы.

⁸ Ли – Қадимги Хитой масофа ўлчов бирлигі, 1 ли тахминан 500 метрга тенг бўлган.

⁹ Рыбаков В.М. Конфуцианское человеколюбие и уголовное право традиционного Китая. Российское право: Образование практика науки. № 5, 2016. – С.25.



4-расм. Кир цилиндири.

Британия музейи.

ўз ерларига қайтиш имкониятлари түғрисидаги қонун¹⁰ни ишлаб чиқкан. Мазкур хукукий хужжат цилиндрга ёзилган бўлиб, «Кир II цилиндири» ва «Инсон хукуқлари декларацияси» деб ном қозонгандан. 1879 йилда археологлар томонидан Бобилда топилган ушбу ноёб битикдаги қоидалар БМТ-нинг барча расмий тилларига таржима қилинган (4-расм).

Француз тарихчisi, файласуф ва диншунос Жерар Израэль мазкур хукукий хужжатни ўрганиб, унда қадимги дунёдаги инсон шахсига нисбатан мутлақо янги қараш – асосий қадриятлар тенглиги, худони истаганидек номлаш, виждан эркинлиги, мулкка эгалик қилиш, тинч яшаш каби принциплар мустаҳкамланганини таъкидлаган¹¹. «Умумжоҳон эркинлиги ва кўчирилган ҳалқларнинг ўз ерларига қайтиш имкониятлари түғрисидаги қонун» таҳлили шуни кўрсатадики, тарихдаги инсон хукуқига оид илк норматив-хукукий хужжатда яшаш хукуқи, уйжой хукуқи, эркин ҳаракатланиш хукуқи, виждан эркинлиги каби шахснинг асосий хукуқ ва эркинликлари баён этилган.

Марказий Осиё ҳалқларининг одат хукуқи оғиздан-оғизга ўтиб келган ижтимоий расм-руслар ва тартиблар, қонун-қоидалар йигиндицидан иборат бўлган. Одат хукуқи илмий-юридик адабиётларда қисман бўлса-да ўрганилган, аммо уларнинг аксари жиноят хукукий одатларни ўрганишга бағишиланган бўлиб, қадимги даврлар деярли ўрганилмасдан қолган¹¹.

“

Қадимги Шарқни кўчманчи аҳолининг эркин миграциясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, қадимги Парфияда озод ер эгалари жамоаси аъзолари расман эркин ҳаракатланиш хукуқига эга бўлса ҳам, амалда давлатнинг аграр сиёсати ўз ерини ташлаб бошқа жойга кўчиб кетгани ёки ердан унумли фойдаланмагани учун жарима солишни тақозо этган.

¹⁰ Gérard Israël. Cyrus le Grand: Fondateur de l'Empire perse. – Paris: Fayard, 1987. – 395 pages; Израэль Ж. Кир Великий. – М.: Молодая гвардия, 2006. – С.180.

¹¹ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва хукуқи тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Т.: “Адолат”, 2003. 47-6.



«Авесто» ёдгорлиги. Хоразм, Урганч

Шу боис ҳозирги Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган Қадимги Хоразм, Бақтрия, Парфия, Даван, Кушонлар империяси, Қанча каби давлатларда миграция ҳуқуқига оид ёзма манбалар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Бироқ зардустийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» бу борада ҳуқук манбай вазифасини бажаришга хизмат қилган.


«Авесто»даги фуқаролик институти ва уларнинг тоифалари ҳақидаги маълумотлар ҳам миграция ҳуқуқи тарихида муҳим аҳамият касб этади. Унинг «Ясна» (Yaçna) деб номланган бўлимида ёзилишича, жамиятдаги фуқаролар мақоми тўрт тоифага, яъни коҳинлар, жангчилар, чорвадорлар ва хунармандларга бўлинган. Шунингдек,



Форс давлати асосчиси Кир II Бобил устидан қозонган ғалабасидан кейин, яъни милоддан аввалги 539 йилда тарихдаги инсон ҳуқуқига алоқадор илк ҳужжат «Умумжаҳон эркинлиги ва кўчирилган ҳалқларнинг ўз ерларига қайтиш имкониятлари тўғрисидаги қонун»ни ишлаб чиқсан. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат цилиндрга ёзилган бўлиб, «Кир II цилиндири» ва «Инсон ҳуқуқлари декларацияси» деб ном қозонган.

жамият тўрт босқичли: 1) нманья (оила); 2) вис (уроф); 3) занту (қабила); 4) даҳюю (мамлакат) дан иборат бўлган¹².

«Авесто»нинг асосий тўрт ҳуқуқий бўлимидан бири бўлган Никадум (Nokrdum) процессуал кодексни ифода этган бўлиб, унда шахс ва унинг эркинлигига қарши жиноятлар, хусусан ажнабий фуқароларнинг жинойи қилмишлари ёки уларга тажовуз қилиш жазоланиши хусусида сўз юритилган (5-расм).



5-расм. «Ашем Воҳу». «Авесто»дан парча. Британия кутубхонаси¹³.

Тадқиқотларимиз натижасида қадимда минтақамизда мамлакат худудига келган чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақоми муайян даражада белгиланганини аниқлашга муваффақ бўлдик. «Авесто»нинг «Ясна» бўлими 12-боб, учинчи хатбошида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, турар-жой даҳлизлиги принципи белгилаб кўйилган: «Бу заминда уй ҳайонлари билан истиқомат қиуловчи барчага эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини танлашига рұхсат бераман»¹⁴. Ушбу манба мамлакатимиз худудида ҳам миграция ҳуқуқига доир илк ижтимоий мусносабатлар ҳуқуқий тартибиға солинганидан да-лолат беради.

Лукмонжон ИСОҚОВ,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

¹² Исҳоқов М., Құдратов С., Қодирова Д. Ўрта Осиё илк шаҳарлари ва давлатлари. Ўқув кўлламна. – Т., 2010. 34-6.

¹³ Мазкур кўллэма 1907 йилда Марказий Хитойдаги Дунъхуан шаҳрининг қояли деворидаги "Минг будда гори"дан археолог ва тадқиқотчи Аурел Штейн томонидан топилган бўлиб, суд тилида ёзилган мазкур ёдгорлика Зардушт ҳамда зардустийликнинг муқаддас ибодати "Ашем Воҳу" ҳақида сўз юритилган. Айни пайтда Британия кутубхонасида сақланмоқда. Батағсил қаранг: <https://www.bl.uk/collection-items/zoroastrian-prayer>

¹⁴ Avesta: livre sacré du Zoroastrisme. Traduit par Charles de Harlez. – Paris: Maisonneuve & Cie, Libraires-éditeurs, 1881. – P.293; The Zend-Avesta: the Yasna; Visparad, Afringan, Gahs, and Miscellaneous fragments. Translated by Lawrence Heyworth Mills. Oxford: The Clarendon press, 1887. – P.248.

LexUz –

Ўзбекистон Республикаси
Қонун ҳужжатлари
маълумотлари миллий базаси

Мақсадимиз аҳолининг
ҳуқуқий маданияти даражасини
кўтариш, юридик ва жисмоний
шахслар қонун ҳужжатларидан
кенг фойдаланиш имкониятини
таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий
ахборотлаштириш тизимини
такомиллаштиришдан иборат.

Ийлар бўйича	Шахслар бўйича	Орган бўйича
2019 (1000)	Консультант (40)	Информатор
2018 (1000)	Клас (240)	Судья
2017 (1000)	Консультант (190)	Адміністратор
2016 (1000)	Карор (100)	Даъватчи
2015 (1000)	Фармон (100)	Даъвиятчи
2014 (1000)	Кароресман (200)	Даъвиятчига оид

LexUz –

Интернет орқали норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларни
олиш имконияти

Тизимда рўйхатдан ўтиш
мажбурий эмас,
фойдаланиш
мутлақо бепул.

t.me/lexuzofficial



www.facebook.com/LexUzbekistan



Ишончлилик

LexUz тизими
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигига тегишилдири

Тизимга маълумотлар фақат
расмий манбалардан киритилиши
уларнинг ишончлилигини
таъминлайди.

Круизерлик содалари	
	Консультант туму
	Даъват бўйичеюн восорни
	Фудорлик киришини
	Судови киришини
	Мензуб ва яхшини бешарле оғирланади
	Ишончлилик тизими ва яхшини сурʼуланди
	Ишончлилик тизими
	Муаддат
	Харбозлик ва зурга тартиб музоғозим
	Онлайн судо
	Прокурорлик Административни Юридик шенаси
	Адлия тартибчилик
	Хамло мунисабатнор. Тамомло сурʼул

Мобиллик

LexUz тизимидан дунёнинг
исталган жойида
фойдаланиш мумкин

LexUzning мобил қурилмалар учун
версияси мавжуд.



Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани,

Амир Темур шоҳкӯчаси, 19-үй.

Тел.: (998 71) 233-38-08, (998 71) 233-73-98

<http://www.lex.uz>; e-mail: lex@adliya.uz



Олий таълимда кредит-модул тизими қандай афзалликларга эга?



Хаётда кўп нарсаларнинг ўлчови бор. Масалан, ваҳт сония, дақиқа, соатда, узунлик метрда, оғирлик килограммда, суюқлик литрда, электр кучланиши вольтда ўлчанади.

Шу ўринда таълимнинг, хусусан олий таълимнинг ҳам ўлчов бирлиги хусусида бир танишим сўраб қолди. Фикрича, олий таълимнинг ўлчов бирликлари бакалавр, магистр ва доктор экан. Лекин булар таълимнинг ўлчов бирликлари эмас, балки даражалари эканлигини тушунтиргунича роса хуноб бўлдим. Унга кредит-модул тизими олий таълимнинг ўлчов бирлиги эканини айтдим. Ўшанда ҳаётимизга бу тушунча сингишига бироз ваҳт зарурлигини англагандим.

Аввало, мазкур тушунча мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг амалдагидан анча мукаммал ўлчов бирлигини олиб кирмоқда. Унга

кўра институтларда ўтиладиган ҳар бир фан энди ундаги ўқиши юкламаси миқдорига қараб кредитларда акс этади. Масалан, ҳар бир фан ўртача 5,6 ёки 7,5 кредитда акс этиши мумкин. Талаба эса ҳар семестр, ўкув йилида муйян миқдорда кредит тўплаб бориши мумкин ва бу миқдорга қараб унга бакалавр ёки магистр даражаси берилади.

ECTS кредит-модул тизимида бир йиллик кредит миқдори 60 га teng. Бир ўкув йили икки семестрдан иборатлигини ҳисобга олсан, талаба ўқиши давомида ҳар семестрда 30 та кредит тўплаб бориши керак бўлади. Бакалавр дастури одатда тўрт йиллиги ҳисобга олинса, талаба бу

даражани кўлга киритиш учун жами 240 та кредит, магистратура дастурини тугаллаш учун эса 120 та кредит тўплashi талаб этилади.

Ушбу тизим метьерий хужжат билан ҳам қатъий белгиланди. Яъни, давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 8 октябрь куни имзоланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонда республикадаги камидага 10 та олий таълим муассасасини халқаро ёътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингин-

гининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимига ўтказиш белгилаб берилган. Кредит-модул тизими таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модул технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серкірра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модул тайомилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишланини таъминлаш; талабалар билимини рейтингни асосида баҳолаш.

Кредит-модул тизимининг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар эътироф этилади:

- ўқув жараёнларини модул асосида ташкил қилиш;
- битта фан, курс(кредит)нинг қийматини аниқлаш;
- талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;
- талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда тузишларига имкон яратиш;
- таълим жараёнда мустақил таълим олишнинг улушини ошириш;
- таълим дастурларининг қўлайлиги ва меҳнат бозорида мутахассисга қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзgartариш мумкинлиги.

Юқоридагилар дарсларни нафақат инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб зарур билимларни этгallaш, кўнгилмаларни шакллантиришга ўргатишдан иборатdir. Мухтасар айтганда, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камопотига йўналтирилган.

Келинг, шу ўринда тарихга назар ташласак. Кредит илк марта XVIII ва XIX асрларда АҚШ университетларида жорий этилган бўлиб, ўқув жараёнларини либераллаштириш, талабанинг ҳафталик академик юкламасини белгилаб бериш мақсадида яратилган.

1869 йилда Харвард университети президенти, Америка таълимининг таникли арбоби Чарлз Уилям Элиот «кредит соати» тушунчасини истеъмолга киритади. Шундай қилиб, 1870 – 1880-йилларда кредит соатлари билан ўлчанадиган тизим жорий қилинади. Кредит тизими билан ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш

талабаларга ўқув жараёнини мустақил равища режалаштириш, унинг сифатини назорат қилиш, таълим технологияларини такомиллаштириш учун имконият яратиш берди.

Кредит тўплаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бирга келажакда танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун академик жараённи мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим этди. Айни чоғда баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг такомиллашишига ҳам олиб келди.

Мазкур тизимнинг олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияяга барҳам бериш, таълим олувчининг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устидаги ишлашига замин яратади. Бугунги кунда кредит тизими Европанинг деярли барча олий ўқув юртларида жорий этилган.

Дилфузахон НОСИРОВА,
Андижон вилояти юридик техникуми
хорижий тиллар кафедраси мудири



Виртуал хуруж: суицид, эгри қасд ва бошқалар...

Телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, интернет – жаҳон аҳборот тармоғидан фойдаланиб ўзини ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўлдиришга ундаш жинояти ҳозирги кундаги энг глобал муаммолардан бири ҳисобланади.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотига кўра, 2000 йилда дунёда 815 000 киши суицид қурбони бўлган бўлса, ўз жонига қасд қилишга уринишлар сони 5 млн.дан ошган¹.

¹ Фиёсов З., Махсумхонов К. Суицид ҳолатларининг суд-тибий масалалари. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2006 й. 6-б.

Ҳозир ҳар йили дунёда миллионга яқин киши ўз жонига қасд қиласди. Суициднинг 800 га яқин кўриниши мавжуд. Улардан 9–41 фоизи ноаниқ этиологияга эга; 19 фоизи жазодан қўрқиш; 18 фоизи руҳий касалликлар; 18 фоизи оилавий муаммолар; 6 фоизи ҳиссиётлар; 3 фоизи молиявий йўқотишлар; 1,4 фоизи ҳаётдан тўйиш; 1,2 фоизи турли касалликлар сабабли юз беради.

Расмий маълумотларга қараганда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш йигирма йил давомида икки баробар ошган. 14–24 ёшлиларнинг 16 фоизи бу ҳолатни бошидан кечиради, шундан 6 фоизи ўғил болалар, 10 фоизи қизлар. Суицидларнинг 90 фоизини психосоматик касалликларга чалинган шахслар амалга оширади.

Баъзи мутахассислар ўз жонига қасд қилишнинг 90 фоизини ўзига эътиборни жалб этиш хоҳиши билан изоҳлади. Болалар суицидинг аксарияти оиласидаги, мактабдаги келишмовчиллик, ўқитувчиларнинг кўполлиги, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз беради. Кўп ҳолларда ёшлар буни кўполлик, бефарқлик, инсофисизлик ва шафқатсизликка қарши исён деб кўрсатади².

Ҳозирги замонда қуролли курашларнинг ўрнини ахборот хуружи эгаллаши натижасида шу каби мудҳиш ҳолатлар кўпаймоқда.

Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлар ёвуз кучлар кўлида даҳшатли куролга айланаб қолмоқда. Интернет орқали «Қўк кит», «Китлар денгизи», «Тинг уй», «Бой хонимлар» каби ўсмирларни ўз жонига қасд қилишга ундиҳидиган ўйинлар кенг тарқалмоқда. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан «Қўк кит» ўйинининг 15-босқичига етиб келган беш ўқувчининг ҳаёти сақлаб қолинган³.

Шу муносабат билан Олий суд томонидан Қонунчилик палатасига «Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилди ва 2017 йил 13 июнда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 436-қонун⁴ қабул қилинди.

Ушбу қонунга асосан Жиноят кодексининг 103-моддаси янги таҳрирда қабул қилиниб, унинг иккинчи қисми «Г» бандига асосан телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек интернетдан фойдаланиб шахсни ўзини ўлдириш даражасига ёки ўзини ўлдиришига сунказд қилиш даражасига етказиш етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди. Шунингдек кодекс «Ўзини ўзи ўлдиришга ундаша» номли 103¹-модда билан тўлдирилди. Бунинг учун жиноятчилар икки йилдан етти йилгача жазоланадиган бўлди.

Ўз жонига қасд қилиш ҳаётнинг қадрига етмаган, яшашни истамаган, атрофидагилардан норози одамнинг тушкунликда содир этган ҳаракатидир. Бунда инсон охирига дақиқагача яшашни истайди, бироқ бу туйғу унинг ўз жонига қасд

² Вояга етмаганлар ўртасида суицидларнинг олдини олиш. Методик кўлланмана. Н. Тайлоқов. -Тошкент: «Камалак» нашриёти. 2017 й. 72-6.

³ http://parliament.gov.uz/events/opinion/22691/?sphrase_id=2877897.

⁴ «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун // «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 14 июннаги 117(6811)-сони.



қилишига монелик қила олмайди. Ўзини ўлдиришнинг сабабини аниқлаш – мураккаб масала. Кўпинча бунга шахснинг турмуш тарзи, унга таъсир кўрсатган ташқи омиллар сабаб бўлади. Лекин индивидуга боғлиқ бўлмаган бошқа жиҳатларни ҳам эътибордан сокит қилмаслик лозим. Дейлик, ижтимоий тармоқларга жуда ҳам ўрганиб қолиш, ҳатто оиласдаги нотинчликдан кутулиш истаги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда ўзини ўлдириш даражасига етказиш учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 103-моддасида кўзда тутилганини қайд этдик, лекин бу жиноят бўйича баъзи масалалар ҳуқуқий тартибиға солинмаган. Бунга мисол қилиб вояга етмаган ёки ўз ҳаракатини англай олмайдиган шахслар иштироқида телекоммуникация ва интернетдан фойдаланиб содир этилган ўзини ўлдириш даражасига етказиш ҳолатларни кўрсатиш мумкин. Шакл ва мазмуни бўйича қонуний бўлган ҳаракатлар натижасида ўзини ўлдириш ёки унга сунқасд қилиш содир этилганда бу ҳаракатларни содир этган шахсга нисбатан ЖКнинг 103-моддаси татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда жавобгарлик Жиноят кодексининг бошқа моддалари бўйича келиб чиқади.

Ўзбекистон Жиноят кодексининг 103- ва 103¹-моддаларида кўрсатилган жиноятларнинг обьекти инсон ҳәётининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Объектив томондан жиноятлар телекоммуникация тармоқлари ва интернетдан фойдаланиб шахсни кўркитиши, унга раҳмисиз мумала қилиш ёки унинг шашни ва қадр-қимматини муттасил камситиш натижасида уни ўзини ўлдириш ё ўзини ўлдиришига сунқасд қилиш даражасига етказиш ёки кўндириб, алдаб шахса ўзини ўлдириш хиссини ўйғотиши орқали содир этилади.

Объектив томонда кўрсатилган раҳмисиз мумала Олий суд пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-қарорида жабрланувчига нисбатан кўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиб, унга жисмоний ёки руҳий азоб етказиш (масалан, муттасил

калтаклаш, овқатдан, сувдан ва бошқалардан маҳрум этиш) деб тушунтирилади.

Субъектив томондан ўзини ўлдириш даражасига етказиш эгри қасд ёки оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан, ўзини ўлдиришига ундаш эса қасддан содир этилади.

ЖКнинг 103-моддасида назарда тутилган жиноят оқибатида қандайдир сабабларга кўра инсон ўлмаган ҳолларда айбордорнинг ҳаракатини ЖКнинг 25-моддаси билан кўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, чунки ЖКнинг 103-моддаси нафақат ўзини ўлдириш, балки ўзини ўлдиришига суниқасд қилиш даражасига етказиш учун ҳам жавобгарликни назарда тутади.

ЖКнинг 103¹-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан ҳам 25-моддани қўллаш талаб этилмайди, чунки мазкур жиноят шахс ўзини ўлдиришига ундалган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Ушбу ҳолат хусусида олимлар турлича тушунтириши беришган. Аксарият олимлар бундай жиноятнинг содир этилишида айб кўпинча эҳтиётсизлик ёки эгри қасд билан тавсифланади дейдилар⁵. Н.Коржанскийнинг фикрича, ушбу жиноят кўпинча беларвонлик оқибатида содир этилади⁶. А.Циркалиюқ эса ушбу жиноятларнинг ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизликдан содир этилиши ҳақида сўз юритади⁷. М.Журавлев, С.Никулин ва бошқа олимларнинг фикрича, ўзини ўлдиришда жабрланувчи ўз ҳәётига ўзи нукта кўйган бўлиши лозим. Чунки ўзини ўлдириш жиноятининг одам ўлдириш жиноятидан принципиал фарқи ҳам айнан шундайдир. Бундай қарашларни ҳуқуқшунос олимлар Ю.Ронжин ва Б.Волков кўллаб-куватлаб, «...ўзини ўлдириш даражасига етказишнинг одам ўлдиришдан фарқи айбор жабрланувчини ҳәётидан маҳрум қиласлигидадир. Ўз ҳаракати билан у жабрланувчи учун ўзини ўлдиришдан бошқа чора қолмайдиган вазиятни туғдириса-да, жабрланувчи ўзини ўлдиримасдан, айбордорнинг таҳқиқларидан қочиши ва бошқа йўллар билан холос бўлиши мумкин»лигини таъкидлашган.

Ўзбекистон Жиноят кодексининг 20-моддасига келтирилган шарҳга кўра эҳтиётсизлик

⁵ Злыденко Д. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспекты темы диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003 г., с.52.

⁶ Коржанский Н. Квалификация преступлений против личности и собственности. –Волгоград, 1984 г., с.18.

⁷ Цыркалиюқ А. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011 г., с.10.

оқибатида содир этилган қилмиш фақат Жиноят кодексининг маҳсус қисмida назарда тутилган дагина жиноят ҳисобланади⁸. ЖКнинг маҳсус қисми 103-моддасида бундай ҳолатнинг мавжуд эмаслиги сабабли айб қасдан қилингандик учун белгиланади. Демак, айбор қонунда кўрсатилган усуллардан фойдаланиб, жабрланувчининг ўзини ўлдиришга бўлган имкониятини ва бунинг муқаррарлигини олдиндан билиб, буни ниyat қиласи тўғри қасд, била турб, бефарқ қараб бунга йўл қўйса эгри қасд ҳисобланади. Айтиш мумкинни, бундай жиноят субъектив томондан эҳтиёtsизлик шакли асосан жиноят тўғрисидаги қонун хужжатларининг диспозициясида юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки етарлича бажармаслиқда ифодаланади.

Баъзан ўзини ўлдириш даражасига етказишга ўхшаш, аслида қотиллик жинояти ҳам учраб туради. Масалан, шахс жисмоний ёки руҳий зўравонлик оқибатида ўзини ўлдириши ёки ўз жонига қасд қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда айборнинг ҳаракатида тўғри қасд мавжуд бўлса, бу одам ўлдириш ёки унга қасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Айбор томонидан вояга етмаган ё ўз ҳаракатини англай олмайдиган ёхуд бошқара олмайдиган шахсни ўзини ўлдириш даражасига етказиш ҳам худди шундай квалификация қилиниши керак.

Кўпчилик ҳукукшуносларнинг масалага бундай ёндашуви тўғридек кўринади. Бироқ Ўзбекистон Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-қарорида бундай одам ўлдириш (ўзини ўлдириш даражасига етказиш) усули ҳақида аниқ тушунтириш берилмаган. Тергов ва суд амалиётини ўрганиш жараённи эса бундай ҳолатлар қасдан одам ўлдириш ёки унга сунид қасд сифатида квалификация қилинган ҳолатлар аниқланмади.

Жиноят кодексининг 103-моддаси диспозициясида назарда тутилган ўзини ўлдириш даражасига етказишгина жиноят ҳисобланади. Демак, айбор томонидан вояга етмаган ё ўз ҳаракатини англай олмайдиган ёхуд бошқара олмайдиган шахсни ўзини ўлдириш даражасига етказишни ЖКнинг 103-моддаси билан квалификация қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунгача вояга етмаганлар

“

Ўз жонига қасд қилиш ҳаётнинг қадрига етмаган, яшашни истамаган, атрофида гилардан норози одамнинг тушкунлиқда содир этган ҳаракатидир. Бунда инсон охирги дақиқагача яшашни истайди, бироқ бу туйғу унинг ўз жонига қасд қилишига монелик қила олмайди. Ўзини ўлдиришнинг сабабини аниқлаш – мураккаб масала.

ёки ақли норасо шахсларни ўзини ўлдириш даражасига етказиш муаммоси ўз ечимини топмаган. Бунинг асосий сабаби ушбу ҳолатнинг қонунчилик томонидан тартибиға солинмаганидадир⁹.

Бизнинг фикримизча, ЖКнинг 103-моддасида ёки 103¹-моддасида кўрсатилган жиноятлар иккала ҳолатда ҳам тўғри қасд билан амалга ошади. Чунки телекоммуникация тармоқлари ва интернетдан фойдаланиб, «Кўк кит», «Китлар денгизи» каби ўсмиirlарни ўз жонига қасд қилишга ундайдиган ўйинлар орқали бир тўда шахслар жабрланувчига зарар етказишни ва унинг ўлишини исташади ва бунинг учун тинмай ҳаракат қилишиади.

Агар жиноят қилаётган шахс ўз жиноятини тўхтатиб, ушбу қилмишнинг жабрланувчиси бўлган шахсни кутқариш чорасини кўрса, буни судлар ЖКнинг 26-моддасига кўра жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб баҳолашлари мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида айтишимиз керакки, Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3723-қарори ижросини таъминлаш асосида янги таҳрирда қабул қилинаётган жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги шу каби муаммоларнинг ечимини ўз ичига олса нур устига нур бўлар эди.

Амирилдин АНОРБОЕВ,

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириллиги юридик бўлими бош юрисконсульты

⁸Тўхтамурод Рустам. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Умумий қисм) // –Т.: Адолат, 2016 й. 68-бет.

⁹<http://huquqburch.uz/uz/view/450>.



Талабалар учун фойдали маслаҳатлар

энг кўп берилаётган 12 саволга 12 жавоб



Талабалардан меҳнат қонунчилигига
оид кўплаб саволлар келиб тушмоқда.

Қуйида энг кўп берилган саволларга
қонун ҳужжатлари билан асослантирган
ҳолда жавоб берамиз.

1. Талаба ишлаши мумкинми?



Ҳа, талабалар бемалол ишлашлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича бунга ҳеч қандай чеклов йўқ. Яъни Меҳнат кодексининг 77-моддасига кўра, 16 ёшга тўлган ҳар бир шахс меҳнат қилиш хукуқига эга. 15 ёшдан эса соғлиғига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишидан бўш вақтида бажариши учун ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирининг «Олий таълим тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 9-бўйруғи (афсуслар бўлсинким, ушбу хужжат рус тилида <https://www.lex.uz/docs/327039>)нинг 50-бандида қундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар ўқишидан бўш вақтларида олий ўқув юрти ва бошқа ташкилотларда меҳнат шартномаси тузган ҳолда ишлашлари мумкинлиги белгиланган. Бундан келиб чиқадики, талаба бемалол ишлаши мумкин. Фақат таълимдан бўш вақтида.

2. Талаба қайси курсдан бошлаб ўзи таълим олаётган мутахассислик бўйича ишлаши мумкин?

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-қарори билан «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида»ги низомининг (<https://www.lex.uz/docs/941876>) 7-бандига кўра:

олий ёки ўрта маҳсус, касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни умумтаълим муассасалари-

га педагог лавозимига қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Мазкур низомнинг 8-бандида «олий таълим муассасасининг 4-курсида ўқиётган шахслар педагоглик ишини амалга ошириши мумкин ва уларга ўрта маҳсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади» дейилтган.

Диққат! Ушбу қоида қундузги таълим шаклида таҳсил олаётганлар учун ҳам, сиртқи таълимда таҳсил олаётганлар учун ҳам бирдай амал қиласди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги 2733-қарори 1-илловасига кўра, юрисконсульт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта маҳсус юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунасадаги дипломни олган шахс, шунингдек, олий таълим муассасасининг юриспруденция мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавриат босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-қарорига 2-илва – «Клиник ординатура тўғрисида»ги низомга кўра, ўқишишнинг иккинчи йилидаги таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган клиник ординаторлар раҳбарларининг ёзма тавсияси асосида меҳнат шартномаси бўйича соҳа бўлимларида тунги навбатчилик қилиш ёки ўқишидан ташқари вақтда мутахассислиги бўйича ишлаш хукуқига згадирлар.



3. Демак, 4-курс ёки битириувчи курс талабалари ишлаши мумкин экан.

Бошқа курс ёки йўналишларда ўқиётганлар ишлай олмайдими?



Йўқ, ундей эмас. Педагогика ва юриспруденция йўналиши талабалари айнан 4-курс ёки битириувчи курсдан таълим олайтган ўз мутахассисликлари бўйича ишлашлари мумкин.

Диққат! Агар сиз коллеж дипломи ёки маҳсус маълумотга эга бўлсангиз, ушбу диплом асосида ҳеч қандай чекловсиз ишга киришингиз мумкин. Масалан, тиббиёт институтларининг бакалавр талабалари ўқишини тутгатмагунча шифокор бўлиб ишлай олмайдилар. Лекин агар уларда тиббиёт коллеми дипломи бўлса, бемалол фельдшер ёки ҳамшира бўлиб ишлашлари мумкин.

4. Фақат ўрта мактабни битирган, ҳеч қандай маҳсус маълумот ва дипломга эга бўлмаган талаба ҳам ишлаши мумкинми?



Албатта. Бундай тоифадаги талабалар ҳам ўқишидан бўш вақтларида меҳнат шартномаси асосида маҳсус маълумот ёки маҳсус тайёргарлик талаб қўймайдиган ишларда ишлашлари мумкин.

5. Маълумотинг йўқ экан, деб ишга олишни рад этишмоқда. Қайси касбга қандай маълумот зарур эканини қандай билса бўлади?

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-қарорига илова «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари класификатори»да (афсуски, ушбу хужжатнинг ҳам тўлиқ матни рус тилида, <https://www.lex.uz/docs/3372827>) 5538 та ишчи касб ва 2858 та хизматчиларнинг асосий лавозимларига маълумотнинг энг паст даражасига кўйиладиган талаблар белгиланган.



Ишга қабул қилишда ходимлар маълумотнинг энг паст даражаси давлат ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади, бошқа ташкилотлар учун эса – тавсия хусусиятига эга.

Айтайлик, сиз юридик университетнинг 1-курс талабасисиз ва судья ёрдамчиси бўлиб ишга кирмоқчизис. Лекин олий маълумотни баҳона қилиб ишга олишмади. Юқоридаги классификаторни очиб «помощник судьи» (яна бир бор қайтараман, хужжатнинг тўлиқ матни рус тилида) деб кидирасиз. Натижада 2199-1 тартиб раҳами билан судья ёрдамчиси лавозими чиқади. Маълумотининг энг паст даражасида ССПО (среднее специальное профессиональное образование), яъни ўрта маҳсус, касб-хунарга доир маълумотли бўлиш шарти ва таълим йўналиши коди берилган. Демак, сиз юридик коллеж дипломи билан судья ёрдамчиси бўлиб ишлашингиз мумкин.

Худди шундай тартибида классификатордан бошқа касбларга кўйилган маълумотнинг энг паст даражасини билиб олишингиз мумкин.

6. Талаба иш сўраб мурожаат қилди.

Иш берувчи эса рад этди.

Нима қилиш керак?



Бу ҳолатда сиз рад этиш сабабини билиш ҳукукига эгасиз.

Мехнат кодексининг 78-моддасига кўра, ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, иш сўраб мурожаат қилган шахснинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишининг сабабини асослаб уч кун муддат ичидаги ёзма жавоб бериши шарт. Бу жавоб ишга қабул қилиш ҳукукига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Агар иш берувчи сизни асоссиз равишда ишга олмаган ёки иш ўринларини яширган бўлса, маъмурий, ҳаттоқи жиноий жавобгарликкача тортилади.

Агар сизни асоссиз равишда ишга олишни рад этишса, Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги (+99871 200-06-00) ёки унинг ҳудудий органлари, прокуратура (1007), адлия органларига (1008) мурожаат қилинг!

7. Талаба тўлиқ 1 ставка ишласа бўладими?

Юқорида айтганимиздек, талаба фақат ўқишидан бўш вақтида ишлаши мумкин. МК 115-моддасига мувофиқ, ходимнинг иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги керак. Яъни 6 кунлик иш ҳафтаси жорий этилган ташкилотларда кунлик 7 соат, 5 кунлик иш ҳафтаси жорий этилганларда эса иш вақти кунлик 8 соатдан ортиқ бўлмаслиги шарт. Шунингдек, ишнинг тугаси билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олини вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас (МК 128-моддаси). Агар юқоридаги қонун талабларига риоя этилса, талабанинг тўлиқ ставка ишлашига ҳеч қандай тақиқ ийў.

Дикқат! Бунда бир шартга риоя этилиши керак! Иш ўқишидан бўш вақтда бажарилиши шарт ва ушбу талаб меҳнат шартномасида мустаҳкамланиши лозим.

8. Талаба фақат ўриндошлик асосида ишлайдими?

Ҳақиқатан ҳам айрим иш берувчилар талабаларни фақат ўриндошлик асосида ишга олиш керак деб ҳисоблашади. Бу мутлақоҳато. Буни қўйидагича асослаймиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-қарори иловасига кўра (<https://www.lex.uz/docs/2070161#2070217>) ўриндошлик асосида ишлаш — ходимнинг ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши. Талабанинг таълим олиш жараёни меҳнат фаoliyati ҳисобланмайди.

Демак, талаба меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ва меҳнат дафтарчasi юритилаётган ер унинг асосий иш жойи ҳисобланади.

9. Талаба бир нечта жойда ишласа бўладими?



Юқорида таъкидлаб ўтилган меҳнат қонунчилигидаги талабларга риоя қилган ҳолда талаба ўқишидан бўш вақти асосий иш жойидан ташқари, бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ҳам ишлаши мумкин. Бунинг учун эса ўриндошлик асосида ишга кираётган жойга асосий иш жойидан маълумотнома тақдим қилинади.

Дикқат! Агар талаба ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади.

10. Талабалик даври меҳнат стажига кирадими?



«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг (<https://lex.uz/docs/112314#127095>) 37-моддасида иш стажига кўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари санаб ўтилган. Мазкур қонуннинг «е» бандига кўра, олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, катта илмий ходим-изланувчилар институтида, таянч докторантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиши, шу жумладан, чет элда ўқиш умумий иш стажига камида 7 йил бўлган тақдирда иш стажига кўшиб ҳисобланади. Яъни ёшга доир пенсия олиш хукуқига (эр-каклар учун - 60, аёллар учун - 55 ёш) қадар камида 7 йил иш стажига эга бўлсангиз, шундагина олий таълим муассасаларида ўқиган даврингиз иш стажига кўшиб ҳисобланади. Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига эса кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

11. Талабани синов билан ишга олиш тўғрими?



Имтиёзлар ҳақида батафсил Меҳнат кодексининг 248-258 моддаларидан (<https://www.lex.uz/docs/142859#145090>) билиб олишининг мумкин.

Меҳнат кодексининг 84-модасига кўра, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишили таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

Агар юқоридаги талабларга тушмасангиз, сизга дастлабки синов қўлланилиши мумкин.

Дикъат! Аксарият ишга кирмоқчи бўлган талабалар (бакалавр, магистрлар) ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишили таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилар ҳисобланишади ҳамда үларга дастлабки синов қўлланилмайди.

12. Талабалар учун меҳнат қонунчилигида имтиёзлар назарда тутилганми?



Таълим муассасаларида ўқиётган ходимларга ишни таълим билан бирга кўшиб олиб боришлиари учун иш берувчи зарур шароитлар яратиб бериши шарт. Талабалар иш жойидан ҳак тўланадиган кўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш хафтаси шароитида ишлаш ва бошқа кўплаб имтиёзлар олиш хукуқига эгадирлар. Бундан ташҳари абитуриентлар учун ҳам алоҳида имтиёзлар (МК 254-моддаси) назарда тутилган.

Муҳаммадамин КАРИМЖНОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

«Huquq va burch» журналини онлайн харид қилиш учун ЙЎРИҚНОМА

1 www.huquqburch.uz сайтига киринг.

2 Узбекистан June, Fevral 21, 2020 Кераш / Чинчид Обула Алоҳа Биз таъсисмада Тахриринг [Онлайн сотув](#) Мультимедиа [🔍](#) Онлайн сотув бўлмасини белгиланг.

- 3 Ўзингизга зарур журналини танланг ва “саватга қўшиш” тугмасини босинг.



Huquq va burch 2019/1

20 000 сўм

Возим: 2019 йилдан утган

- 4 Ҳосил бўлган ойнадан “view cart” тугмасини босинг.

You cannot add another "Huquq va burch 2019/1" to your cart.

[View cart](#)



- 5 “Буюртма бериш” тугмаси орқали тасдиқлаш бўлимига ўтиб, тегишли маълумотларни тўлдиринг.

Маълумотлар

Исм *	Фамилия *
<input type="text"/>	<input type="text"/>

Фирма номи (мажбурий эмас)
<input type="text"/>

Давлат *
<input type="text" value="Uzbekistan"/>

Манзил *
Кўча номи, уй рақами

Корпус, кўшимча маълумот
<input type="text"/>

Шахар / кишлак номи *
<input type="text"/>

Вилоят *
Tashkent

Почта индекси *
<input type="text"/>

Телефон рақам *
<input type="text"/>

Email манзил *
<input type="text"/>

- 5 Маълумотларни киритиб бўлганингиздан сўнг қуай тўлов усулини танланг.

Буюртмагиз

Номи	Жами
Ницқ va burch 2019/1 × 1	20 000 сўм
Жами	20 000 сўм
Умумий тўловга	20 000 сўм

CLICK

Оплатить с помощью CLICK

Payme

[Pay](#)

Шунингдек, онлайн сотиб олиш бўлимига кириш учун ушбу QR-коддан фойдаланиш мумкин.



Тарз 21158



HUQUQIY
AXBOROT
PORTALI

Ушбу хизмат
орқали сиз



Электрон журнал

Нашни PDF форматда
компьютер ёки смартфоннингизга
юклаб олинг.



Онлайн обуна


Үйингиздан чикмасдан
буюрта беринг.



Тўлов тизимлари

Хизмат учун тўловларни
Payme ҳамда Click тўлов
тизимлари орқали
амалга оширишинг.

Журналимиз энди ЭЛЕКТРОН ШАКЛАДА!



ОНЛАЙН ОБУНА 3, 6 ва 9 ойлик

+ 10 йиллик архив
супер чегирма
нархларда

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Нашримизни
энг биринчилар қаторида
ўқишини истасангиз
«Онлайн обуна»
хизматимиздан фойдаланинг.



Журнали сотиб олиш ва онлайн обуна бўлиш учун қўйидаги
ҳаволага киринг: <http://huquqburch.uz/shop/>